

ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ДАСТУРАМАЛ ТАМОЙИЛЛАРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида
“ҳуқуқий ҳимояни муҳофаза қилиш, унга риоя этиш
ва унинг воситаларига” нисбатан амалга ошириш



БИРЛАШГАН
МИЛЛАТЛАР
ТАШКИЛОТИ



БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР
ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ
ОЛИЙ КОМИССАР ВОШҚАРМАСИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ДАСТУРАМАЛ ТАМОЙИЛЛАРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида
“ҳуқуқий ҳимояни муҳофаза қилиш, унга риоя этиш
ва унинг воситаларига” нисбатан амалга ошириш



БИРЛАШГАН
МИЛЛАТЛАР
ТАШКИЛОТИ

Нью-Йорк ва Женева, 2011 йил



БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
ОЛИЙ КОМИССАР БОШҚАРМАСИ

УЎК 341.231.14

КБК 67.412.1

И60

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ-
НИНГ ДАСТУРАМАЛ ТАМОЙИЛЛАРИ [Матн] : қўлланма — Тошкент: Baktria
press, 2015. — 56 б.

КБК 65.298

Мазкур нашрдаги белгилар ва материаллар баёни у ёки бу мамлакат,
ҳудуд, шаҳар, туман ёки улар маъмурларининг ҳуқуқий мақоми, ёхуд
уларнинг чегаралари делимитациясига нисбатан Бирлашган Миллатлар
Ташкилоти томонидан қандай бўлмасин фикр билдирилишини англамайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатлари шартли белгилари
бош ҳарф ва рақамлар билан белгиланган. Бундай белгилар матнларда
учраганида, у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли ҳужжатиغا
ҳавола вазифасини ўтайди.

HR/PUB/11/04

Ушбу қўлланма ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори
қўмағида таржима қилинди ва нашр этилди.



© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Барча ҳуқуқлар
глобал муҳофаза қилинган. 2011, 2015
© Baktria press, 2015

ISBN 978-9943-4567-4-7

МУҚАДДИМА

Кейинги ўн йилликда глобаллашув ва умумжаҳон тенденциялари шароитларида трансмиллий корпорациялар ва бошқа корхоналар каби тижорат тузилмалари ҳам халқаро, ҳам миллий ва маҳаллий даражаларда тобора катта аҳамият касб эта бошлади. Ушбу субъектлар таъсирининг ортиши тижорат ташкилотларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги роли ва масъулияти тўғрисидаги баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Шу вақтга қадар давлат билан айрим шахслар ва шахсларнинг гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга даъват этилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга риоя этиш масъулияти анъана бўйича ҳукуматлар зиммасида эди. Бироқ, тижорат тузилмаларининг миллий ва халқаро даражадаги роли ортиши муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз кун тартибига бизнеснинг инсон ҳуқуқларини амалга оширишга таъсири тўғрисидаги масалани киритди.

Кейинги ўн йиллик давомида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги механизми бизнеснинг инсон ҳуқуқларига нисбатан масъулияти соҳаси ҳамда тижорат ташкилотлари фаолиятининг инсон ҳуқуқларига риоя этилишига таъсир кўрсатадиган оқибатлари масъулиятини ошириш воситаларини ўрганиш билан шуғулланди. Натижада бугунги кунда ҳам ҳукуматнинг, ҳам бизнеснинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя этишдаги роли ҳамда масъулияти тўғрисида аниқ тасаввур шаклланди.

Шу маънода тадбиркорлик фаолияти доирасида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг дастуруламал тамойилларини ўзида мужассам этган ҳужжат — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ҳуқуқий ҳимоя, унга риоя этиш ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларини қўллаш” даставвалги концепцияси алоҳида аҳамиятга эгадир. Концепция БМТ Бош котибининг Инсон ҳуқуқлари, трансмиллий корпорациялар ва корхоналар тўғрисидаги масалалари бўйича махсус вакили барча муҳим тадқиқотларга ҳамда манфаатдор томонлар, жумладан давлатлар, фуқаролик жамияти ва ишбилармонлар билан биргаликдаги кенг қўламли маслаҳатлашувларга таянган ҳолда ишлаб чиқилди.

2011 йилнинг 16 июнида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида “Ҳуқуқий ҳимоя, унга риоя этиш ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларини қўллаш” даставвалги концепцияси тасдиқланди.

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози барча мамлакат фуқароларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасига салбий таъсир кўрсатди. Бу, ўз навбатида, дунёда ҳам давлат томонидан, ҳам бизнес вакиллари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масъулиятининг аҳамиятини тубдан оширди. Кейинги ўн йилликда бутун жаҳонда хусусий секторнинг мисли кўрилмаган даражада ривожланиши муносабати билан тадбиркорлик фаолиятида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши масаласи глобал кун тартибидан тушмай келмоқда.

Ўтган даврда бизнеснинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги масъулиятига нисбатан ўзига хос халқаро даражадаги чоралар ишлаб чиқилди. Мингйиллик ривожланиш мақсадлари, БМТ доирасидаги Глобал пакт, Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат соҳасидаги халқаро стандартлари, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Трансмиллий корпорациялар бўйича қўлланмаси, экология соҳасидаги халқаро шартномалар ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир. Миллий даражада бизнес билан шуғулланадиган корпорациялар фаолиятида инсон ҳуқуқларига риоя этиш соҳасига бевосита алоқадор бўлган қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда бизнес ва инсон ҳуқуқларига нисбатан стратегик ёндашувнинг асосий қоидаларини ишлаб чиқишга киришилган. Бу қоидалар, жумладан, бизнеснинг инсон ҳуқуқларига таҳдидидан ҳимоя қилиш борасидаги давлатнинг мажбуриятлари, бизнес тузилмаларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича масъулияти, жабр кўрганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мамлакатни демократлаштиришнинг яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган

стратегияси, устувор йўналишлари, мақсадлари ва вазифаларини белгилаб берган муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади. Концепция, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш соҳасидаги асосий ҳужжатлардан биридир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига жалб этиш жараёнлари фаол бормоқда. Ушбу вазифаларни амалга ошириш фақат давлатга эмас, балки фуқароларга ҳам тааллуқли бўлиб, ушбу соҳада фуқаролик жамияти субъектларининг аҳамияти тобора ошмоқда. Бу борада бизнес тузилмалари вакиллари учун семинар ва ўқув машғулоти ўтказилмоқда. Бир қатор корхоналар эса бизнес юритишнинг ахлоқий стандартларини қабул қилган.

Шу билан бирга, тижорат тузилмалари учун инсон ҳуқуқларига риоя этиш масалалари бўйича таълим тизимини жорий этиш орқали давлатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлари ҳақида зарур билимлар бериш ва маълумотлар билан таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

2011 йилнинг 8 сентябрида Тошкент шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Ўзбекистондаги Лойиҳаларни мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда “Бизнес ва инсон ҳуқуқлари: ҳуқуқий ҳимоя ва ижтимоий масъулият” мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Конференцияда бизнеснинг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилишда иштирок этиши юзасидан халқаро тажриба атрофлича таҳлил қилинди. Бу ҳақда ЕХХТнинг Демократлаштириш институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Дания институти вакиллари ахборот бердилар.

2013 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон делегацияси БМТнинг Женева шаҳрида ҳар йили ўтказиладиган иккинчи ҳар йиллик анжуманида иштирок этди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси ёрдамида БМТнинг “Ҳуқуқий ҳимоя, унга риоя этиш ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларини қўллаш” даставвалги концепцияси ижросини таъминлаш

мақсадида “Тадбиркорлик фаолиятида инсон ҳуқуқларига риоя этишнинг дастурамал тамойиллари” ўзбек тилига таржима қилинди ва нашрга тайёрланди.

Умид қиламизки, ушбу янги қўлланма бизнес тузилмалари, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари, шунингдек ўқитувчилар, талаба ёшлар ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан қизиқадиган барча инсонлар учун фойдали бўлади.

А. Саидов,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий марказининг директори,
юримдик фанлар доктори, профессор

МУНДАРИЖА

УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАР	9
I. ДАВЛАТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАЖБУРИЯТИ	10
A. АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР	10
B. ФАОЛИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИ	12
II. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ ЖАМОАВИЙ МАСЪУЛИЯТИ	24
A. АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР	24
B. ФАОЛИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИ	28
III. ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТИ	43
A. АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР	43
B. ФАОЛИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИ	45

Ушбу нашр "Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан тадбиркорлик фаолиятининг дастурамал тамойиллари: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасини "ҳуқуқий ҳимояни муҳофаза қилиш, унга риоя этиш ва унинг воситаларига" нисбатан амалга ошириш"ни қамраб олган бўлиб, у Бош котибнинг Инсон ҳуқуқлари ҳамда трансмиллий корпорациялар ва бошқа корхоналар тўғрисидаги масалалар бўйича Махсус вакили томонидан ишлаб чиқилган. Махсус маърузачи Дастурамал тамойилларни ўзининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш маърузасига илова сифатида тақдим этган (A/HRS/17/31), у, шунингдек, Дастурамал тамойилларга муқаддимани ва Дастурамал тамойилларни ишлаб чиқишдан аввалги жараёнлар шарҳини қамраб олади. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш Дастурамал тамойилларни ўзининг 2011 йил 16 июндаги 17/4-резолюцияси билан маъқуллади.

УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАР

Ушбу дастурамал тамойиллар қуйидагиларни эътироф этади:

- а) давлатлар томонидан инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя қилиш, уларни ҳимоя қилиш ва амалга ошириш;**
- б) жамиятнинг ихтисослашган органлари сифатида ихтисослашган функцияларни бажараётган, барча амалдаги қонунларга риоя этиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш талаби қўйиладиган корхоналарнинг роли;**
- с) ҳуқуқ ва мажбуриятларга риоя этиш, улар бузилган ҳолатларда тегишли ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситалари ёрдамида таъминлаш зарурати.**

Ушбу дастурамал тамойиллар барча давлатларга ҳамда барча трансмиллий ва бошқа корхоналарга уларнинг миқёси, фаолият соҳаси, жойлашган ўрни, мулк шакли ва тузилмасидан қатъи назар қўлланилади.

Ушбу дастурамал тамойилларга яхлит бутунлик сифатида қараш ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли нормалар ва амалиётнинг улар таъсир кўрсатадиган алоҳида шахслар ва жамоалар ҳис этадиган натижаларга эришишлари мумкин бўлган ролини ошириш мақсадидан келиб чиқиб, шахсий ва жамоавий тартибда ижтимоий барқарор глобаллашувни таъминлашга қўшган ҳиссаси сифатида талқин этиш лозим.

Ушбу дастурамал тамойиллардаги ҳеч бир нарса янги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларнинг яратилиши ёки давлатлар, эҳтимол, тегишли халқаро ҳуқуққа мувофиқ қабул қилган ёки қабул қиладиган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қандайдир ҳуқуқий мажбуриятларига путур етказиши мумкин эмас.

Ушбу дастурамал тамойиллар ҳеч бир камситилишсиз, алоҳида гуруҳ ёки жамоаларга мансуб, эҳтимол ночорлик ёки яққалаб қўйиш жиддий хавфига йўлиқадиган айрим шахсларнинг ҳуқуқлари ва эҳтиёжлари ҳамда муаммоларига алоҳида эътибор берилган ҳолда, шунингдек, аёллар ва эркаклар дуч келиши мумкин бўлган турли хавфларга етарли эътибор берилган ҳолда амалга оширилиши керак.

I. ДАВЛАТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАЖБУРИЯТИ

A. АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР

- 1. Давлатлар ўз ҳудудлари ва/ёки юрисдикциялари доирасида учинчи томонлар, шу жумладан корхоналар томонидан инсон ҳуқуқларининг бузилишини ҳимоя қилишни таъминлаши керак. Бу эса ана шундай бузилишларнинг олдини олиш ва текшириш, бунинг учун самарали сиёсат, қонунчилик, норматив тартибга солиш ва судда кўриб чиқиш орқали етказилган зарарни қоплаш каби зарур чораларни кўришни талаб этади.**

Изоҳ:

Давлатларнинг инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқи доирасидаги мажбуриятлари улар томонидан ўз ҳудудлари ва/ёки юрисдикциялари доирасида айрим шахсларнинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни, ҳимоя қилишни ва амалга оширишни талаб қилади. Бу инсон ҳуқуқларини учинчи томонлар, шу жумладан корхоналар томонидан бузилишидан ҳимоя қилишни таъминлаш мажбуриятини қамраб олади.

Давлатнинг ҳимоя қилишни таъминлаш мажбурияти уларнинг ўзини тутиши нормаси ҳисобланади. Шунинг учун давлатлар давлат сифатида инсон ҳуқуқларининг хусусий субъектлар томонидан бузилиши учун масъул эмас. Шу билан бир қаторда давлатлар бундай бузилиш улар зиммасига юклатилганда ёки улар хусусий субъектлар томонидан содир этиладиган бузилишларнинг олдини олиш ва текшириш, бунинг учун жазолаш ва зарарни қоплаш юзасидан тегишли чоралар кўрмаган ҳолатларида инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқи бўйича ўз мажбуриятларини бузишлари мумкин. Давлатлар, қоидага асосан, ушбу чоралар бўйича қарор қабул қилишга нисбатан ўз хоҳишига кўра иш кўриш ваколатларига эга бўлсалар ҳам, улар йўл қўйилиши мумкин бўлган олдини олиш ва аҳволни тузатиш бўйича чораларнинг, шу жумладан, сиёсий, қонунчилик, норматив ва суд хусусиятига эга чоралар барча кўламини ҳисобга олишлари шарт. Давлатлар зиммасида, шунингдек, ҳуқуқ устунлиги тамойилини, шу жумладан қонун олдидаги тенгликни, уни

қўллашдаги адолатни таъминлаш ҳамда тегишли тартибда ҳисоб бериш, ҳуқуқий аниқлик ҳамда процессуал ва ҳуқуқий шаффофлик орқали чоралар кўриш йўли билан ҳимоялаш ва рағбатлантириш мажбурияти ётади.

Мазкур бобда асосий эътибор корхоналар томонидан инсон ҳуқуқларининг бузилишини олдини олиш чораларига, III бобда эса ҳуқуқий ҳимоя чораларига қаратилган.

2. Давлатлар ўз ҳудудларида жойлашган ва/ёки уларнинг юрисдикцияси остида бўлган барча корхоналардан ўз фаолияти доирасида инсон ҳуқуқларига риоя этишларини кутишлари, аниқ эълон қилишлари лозим.

Изоҳ:

Ҳозирги пайтда, инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқига мувофиқ, давлатдан, қоида бўйича, ўз ҳудудларида жойлашган ва/ёки юрисдикциялари остида бўлган корхоналарнинг ўз ҳудудларидан ташқаридаги фаолиятини тартибга солиш талаб этилмайди. Шу билан бирга бундай тартибга солиш, қоида бўйича, тан олинган юрисдикция асоси мавжуд бўлган ҳолатларда ман этилмайди. Бундай шароитларда инсон ҳуқуқлари бўйича айрим шартномавий органлар “келиб чиқиш” давлатларига улар юрисдикцияси остида бўлган корхоналар томонидан чет эллардаги қонун бузилишларининг олдини олиш бўйича чоралар кўришни тавсия этади.

“Келиб чиқиш” давлатида корхоналардан, айниқса агар давлат ушбу корхоналарда иштирок этаётган ёки уларни қўллаб-қувватлаётган бўлса, чет элларда инсон ҳуқуқларига риоя этишларини кутишини аниқлик билан эълон қилиши учун асосли сиёсий сабаблар мавжуддир. Бундай сабабларга корхоналар эътиборига ўзининг мантиқий асосланган ва ўзгармас нуқтаи назарини етказиш, шунингдек давлат сифатидаги номини қадрлаш орқали ишонарли муҳит яратиш зарурлиги киради.

Шу муносабат билан давлатларнинг нуқтаи назари турлича ёндашувлар хусусиятига эга. Уларнинг айримлари ўз ҳудудларидан ташқарида турли оқибатларга эга миллий чораларни кўришдан иборатдир. Бунга “бош” компанияга бутун компаниянинг глобал ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисида ҳисобот бериш талаби; тавсия хусусиятига эга бўлган кўп томонлама

ҳужжатлар, жумладан Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан қабул қилинган кўп миллатли корхоналар учун дастурамал тамойиллар; ва хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлайдиган муассасалар томонидан талаб қилинадиган ишлаб чиқариш самарадорлиги нормалари мисол бўла олади. Бошқача ёндашувлар бевосита ўз ҳудудларидан ташқарида амал қиладиган ва қўлланадиган қонунчиликни қабул қилишдан иборатдир. Бунга ҳуқуқбузарлик содир этилган жойдан қатъи назар, фуқаролик белгиси бўйича жиноий жавобгарликка тортиш имконини берадиган жиноий тартиблар киради. Давлатнинг назарда тутиладиган ва амалдаги фаолиятларининг асослилиги турли омилларга, масалан кўп тарафлама битимларда кўзда тутилганлигига боғлиқ бўлиши мумкин.

В. ФАОЛИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИ

ДАВЛАТЛАРНИНГ НОРМАТИВ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА СИЁСАТ СОҲАСИДАГИ УМУМИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

- 3. Давлатлар ҳимояни таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда қуйидагиларга риоя этишлари лозим:**
 - а) оқибати корхоналардан инсон ҳуқуқларига риоя этилишини талаб қиладиган қонунларга риоя этиш, бўйсунуш ҳамда вақт-вақти билан бундай қонунларнинг қулайлигини баҳолаш ва ҳар қандай камчиликларни бартараф этиш;**
 - б) корпоратив ҳуқуқ нормаларига тегишли қонунлар ишлаб чиқиш ҳамда корхоналар ташкил этиш ва уларнинг жорий фаолиятини тартибга соладиган бошқа қонун ва сиёсий корхоналар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилишига тўсқинлик қилмаслиги, аксинча, бунга кўмаклашишини таъминлаш;**
 - с) корхоналарга улар фаолияти доирасида инсон ҳуқуқларига риоя этишга тааллуқли самарали дастурамал кўрсатмаларни тақдим этиш;**
 - д) корхоналарга улар инсон ҳуқуқларига қарши таъсирларнинг қандай бартараф этаётганликлари тўғрисида маълумот тақдим этилишини рағбатлантириш ва зарурат бўлса, буни талаб этиш.**

Изоҳ:

Давлатлар корхоналарнинг барча ҳолатларда давлат томонидан олиб бориладиган фаолиятсизлигини афзал кўришлари ёки бундан фойдаланишларига қараб иш кўрмасликлари лозим; давлатлар корхоналар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилишига кўмаклашадиган қандайдир оқилона — миллий ва халқаро, мажбурий ва ихтиёрий чоралар мажмуасини қабул қилиш имкониятини кўриб чиқишлари керак.

Корхоналар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этиш масалаларининг бевосита ёки билвосита тартибга соладиган амалдаги қонунлар бажарилишини таъминлашга қодир бўлмаслиги амалиётда кўпинча жиддий ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги билан бог лиқдир. Тегишли қонунлар — камситишга йўл қўймаслик тўғ рисидаги қонун ва меҳнат қонунчилигидан тартиб экология ва мол-мулк қонунчилиги, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги ва коррупция билан курашиш қонунларигача бўлиши мумкин. Шунинг учун давлатлар бундай қонунлар ҳозирги вақтда ижро этилиши нечоғ лик самарали таъминланаётганини эътибордан четда қолдирмасликлари, агар бундай бўлмаса, нима учун шундайлиги ва амалда қайси чоралар аҳволни ўнглаши мумкинлигини аниқлашлари муҳимдир.

Давлатларнинг бу қонунлар ўзгариб бораётган вазиятларда зарур қамровни таъминлаётганлигини ҳамда тегишли сиёсат билан бир қаторда корхоналар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этишга кўмаклашадиган муҳитнинг яратилаётганлигини таҳлил этишлари муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ҳуқуқ лаёқатига эга бўлганлар ва корхоналарни ҳимоя қилиш учун ҳуқуқ ва сиёсатга, жумладан, ердан фойдаланиш имкониятини тартибга соладиган, шунингдек ерга эгалик қилиш ёки ердан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳуқуқ ва сиёсатнинг айрим соҳаларига зарур аниқлик киритиш керак. Корхоналарни ташкил этиш, жорий фаолиятини тартибга соладиган қонунлар ва сиёсат, масалан корпоратив ҳуқуқ ҳамда қимматли қоғ озлар муомаласини тартибга соладиган қонунлар корхоналарнинг ўзини тутишини бевосита белгилаб беради. Шу билан бирга уларнинг инсон ҳуқуқлари учун оқибати ҳозирга қадар аниқ тасаввурга эга эмас. Масалан, қимматли қоғ озлар муомаласини тартибга соладиган корпоратив ҳуқуқ ва қонунлар нормаларидан компанияларга ва уларнинг

хизматчиларига инсон ҳуқуқларига риоя этиш соҳасида булардан нима талаб қилиниши у ёқда турсин, улар бевосита нима қилишларига рухсат берилиши равшан эмас. Ушбу соҳадаги қонунлар ва сиёсат корхоналарга инсон ҳуқуқларига риоя этиш имконини берадиган, корпорацияларнинг директорлар кенгаши каби мавжуд раҳбар тузилмалари ролини зарур даражада ҳисобга оладиган етарлича дастурамал кўрсатмаларни назарда тутиши керак.

Корхоналарга бериладиган инсон ҳуқуқларига тааллуқли дастурамал йўл-йўриқларда кутилаётган натижалар кўрсатилиши керак ва улар энг яхши амалиёт тўғрисидаги ахборот билан айрибошлашни рағбатлантириши зарур. Улар тегишли усулларни, шунингдек, инсон ҳуқуқлари тўғрисида зарур даражада ғамхўрлик қилиш тамойилларини ҳамда гендер муаммосига нисбатан самарали ёндашув воситаларига, туб халқлар, аёллар, озчиликни ташкил қиладиган миллатлар ёки элатлар, диний ёки тил бўйича озчиликни ташкил қиладиганлар, болалар, ногиронлар, шу билан бирга муҳожир меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари дуч келиши мумкин бўлган аниқ муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ночорлик ва/ёки яққалаб қўйиш масалаларини қамраб олиши керак.

Париж тамойилларига мос миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасалари тегишли қонунлар давлатларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятларига мувофиқлигини ҳамда улар самарали бажарилаётганлигини, шунингдек корхоналар ва бошқа нодавлат субъектларга инсон ҳуқуқлари соҳасида дастурамал кўрсатмалар берилишини аниқлашда давлатларга кўмаклашиш борасида муҳим ўрин тутишлари керак.

Корхоналар ўзлари томонидан инсон ҳуқуқларига кўрсатган таъсирларини қай тарзда бартараф этаётганликлари бўйича ахборот тақдим этишлари тегишли манфаатдор томонлар билан ҳам, норасмий учрашувлар доирасида ҳам расмий ошкора ҳисоботлар тарзида амалга оширишлари мумкин. Давлатлар томонидан бундай ахборот тақдим этилишини рағбатлантириш, зарурат бўлса, бунга талаб қилиш корхоналарнинг инсон ҳуқуқларига риоя этишларига кўмаклашишда муҳим аҳамиятга эгадир. Тегишли ахборотни тақдим этишга рағбатлантирадиган омиллар суд ёки маъмурий суриштирув ҳолатларида бундай ҳисоботларнинг аҳамият-лигига доир қоидаларни қамраб олиши мумкин. Ахборот тақдим этишга

нисбатан талаб корхона фаолиятининг хусусияти ёки бундай фаолиятнинг шароитлари инсон ҳуқуқларига жиддий хавф туғдирадиган ҳолатларда айниқса долзарб бўлиши мумкин. Бу соҳадаги сиёсат ва қонунлар корхоналарга маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ҳам, уларнинг аниқлигини ҳам таъминлашда ёрдам берган ҳолда буни корхоналарга қай тарзда маълум қилиш масаласига зарур аниқлик киритиши мумкин.

Бевосита тегишли ахборотларга аниқлик киритадиган ҳар қандай қоида ана шундай ахборот айрим шахслар ва объектларнинг хавфсизлиги ва ҳимояланганлигига оид юзага келиши мумкин бўлган хавфларни; тижорат сирларини сақлашга бўлган қонуний талабларни; шунингдек компанияларнинг кўламлари ва тузилмаларидаги тафовутларни ҳисобга олиши керак.

Молия ҳисоботида талаблар инсон ҳуқуқларига таъсир айрим ҳолатларда корхонанинг иқтисодий фаолияти натижаларига “моддий” ёки “жиддий” таъсир кўрсатиши мумкинлигини аниқ белгилаб қўйиши керак.

ДАВЛАТ БИЛАН КОРХОНАЛАР АЛОҚАСИ

- 4. Давлатлар ўз мулкига тегишли ёки улар томонидан назорат қилинадиган ёхуд давлат агентликлари, масалан, экспертни кредитлаш ва давлат сугуртаси ёки инвестицияларни кафолатлаш бўйича агентликлар жиддий қўллаб-қувватлайдиган ва уларнинг хизматларидан фойдаланадиган корхоналар томонидан инсон ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймасликлари учун қўшимча, шу жумладан, зарурат бўлса, инсон ҳуқуқлари тўғрисида зарур даражада ғамхўрлик қилиш тамойилига риоя этиш тўғрисида талаблар ўрнатиш орқали чоралар кўриши лозим.**

Изоҳ:

Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқига мувофиқ алоҳида ҳар бир давлат инсон ҳуқуқларига риоя қилиш мажбуриятларининг асосий элтувчилари, барча давлатлар биргаликда эса — инсон ҳуқуқларига риоя қилиш халқаро тартибининг кафолатчилари ҳисобланади. Корхона давлат томонидан назорат қилинган ёки корхонанинг амаллари бошқача тарзда давлатга нисбат

бериладиган бўлса, мазкур корхона томонидан инсон ҳуқуқларининг бузилиши давлатнинг ўз халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини бузишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари корхона давлатга қанчалик қалин боғлиқ бўлса ёки у қонунга мувофиқ ташкил этилган органга ёки солиқ тўловчиларнинг қўллаб-қувватлашига нақадар кўп боғлиқ бўлса, мазкур корхона томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини ўтказиш учун сабаб шу қадар асосли бўлади.

Давлат корхоналарга эгалик қилган ёки уларни назорат этадиган ҳолатларда инсон ҳуқуқларига тааллуқли тегишли сиёсат, қонунчилик ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш учун кенгроқ имкониятларга эга бўлади. Олий бўғин раҳбарлари, қоида бўйича, давлат идоралари олдида ҳисоб беради ва тегишли давлат департаментлари назорат қилиш, шу жумладан инсон ҳуқуқлари тўғрисида зарур даражада ғамхўрлик қилиш тамойилига самарали риоя этилиши учун катта ваколатларга эгалар. (Шунингдек бу корхоналар ҳам инсон ҳуқуқларига риоя этиш учун жамоавий масъулиятга эга, бу тўғрисида II бобда гап боради).

Корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларга хизмат кўрсатиш борасида давлат билан расмий ёки норасмий боғлиқ бўлган муассасаларнинг кенг доираси шуғулланиши мумкин. Улар қаторига экспортни кредитлаш, давлат суғуртаси ёки инвестицияларни кафолатлаш бўйича агентликлар, ривожланиш масалалари бўйича агентликлар, ривожланишни молиялаштириш билан шуғулланадиган муассасалар киради. Бундай муассасалар бенефициар¹ корхоналарнинг инсон ҳуқуқларига амалдаги ёки эҳтимол тутилган ноқулай таъсирини бевосита ҳисобга олмаган ҳолатларда бундай зарар етказишни яшириб, ўзларининг обрусини ҳамда молия, сиёсий ва эҳтимол тутилган ҳуқуқий камчиликлар нуқтаи назаридан хавфли ҳолатга қўяди ва бу билан давлат дуч келадиган ҳуқуқни ҳимоя қилиш муаммоларини заифлаштиришлари мумкин.

Давлатлар бу хавфларни ҳисобга олган ҳолда муассасаларни ўзлари томонидан ҳам, улар қўллаб-қувватлайдиган корхоналар ёки лойиҳалар томонидан ҳам инсон ҳуқуқлари тўғрисида тегишлича ғамхўрлик қилишларини рағбатлантиришлари, зарурат бўлса, буни таъминлашни

1 Бенефициар (французча "benefice" – "фойда" сўзидан) – фойда, даромад, манфаат кўрувчи.

талаб қилишлари лозим. Инсон ҳуқуқлари тўғ рисида тегишлича ғ амхурлик қилишни таъминлашни талаб қилиш корхона фаолиятининг хусусияти ёки бундай фаолиятнинг шароитлари инсон ҳуқуқлари учун жиддий хавф туғ дириш билан боғ лиқ бўлган ҳолатларда, айниқса мақбул ҳисобланади.

- 5. Давлатлар корхоналар билан контрактлар тузишда ёки улар манфаатларида хизматлар кўрсатиш учун инсон ҳуқуқларини амалга оширишда таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилишда, ўзларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш мақсадларида тегишлича назоратни амалга оширишлари лозим.**


Изоҳ:

Давлатлар инсон ҳуқуқларини амалга оширишда таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хизматлар тақдим этиш соҳасини хусусийлаштираётган ҳолатларда инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқи бўйича ўз мажбуриятларидан озод қилинмайди. Бундай хизматларни тақдим этадиган корхоналар давлатнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш мажбуриятларига мувофиқ равишда амал қилишларини давлатнинг таъминлашга қодир эмаслиги, давлатнинг обрўси ва ҳуқуқий жиҳатлардан салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунда зарур чора сифатида хизматлар тақдим этиш бўйича тегишли контрактларда ёки қонунчиликда давлат бу корхоналар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этишини кутиши аниқ кўрсатилиши лозим. Давлатлар корхоналар фаолияти устидан самарали назорат қилиш имкониятини тегишли мустақил мониторинг ва ҳисоб бериш механизмлари ҳисобига таъминлашлари лозим.

- 6. Давлатлар ўзлари билан тижорат битимларини амалга оширадиган корхоналарнинг инсон ҳуқуқларига риоя этилишини рағбатлантиришлари лозим.**

Изоҳ:

Давлатлар кўпинча корхоналар билан, шу жумладан давлат харидлари доирасида тижорат битимларини амалга оширадиган. Бу давлатларга шахсий ва жамоавий асосда корхоналарнинг инсон ҳуқуқлари тўғ рисидаги



хабардорлигини ошириш ва бу ҳуқуқларга риоя этилишини рағбатлантириш учун, шу жумладан давлатларнинг миллий ва халқаро ҳуқуқ бўйича тегишли мажбуриятларини зарур даражада ҳисобга олган ҳолда контрактлар шартлари орқали ошириш бўйича ноёб имкониятлар тақдим этади.

МОЖАРОЛАР СОДИР БЎЛГАН ХУДУДЛАРДА КОРХОНАЛАРНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ

- 7. Можаролар содир бўлган ҳудудларда инсон ҳуқуқлари қўпол равишда бузилишининг катта хавфи мавжудлиги сабабли давлатлар бундай ҳудудларда фаолият олиб борадиган корхоналарининг ана шундай бузилишларга йўл қўйилишида иштирок этмасликларини, қўйидаги йўллар орқали таъминлашга кўмаклашишлари лозим:**
- a) корхоналарга фаолиятлари ва амалий муносабатлари билан боғлиқ бўлган инсон ҳуқуқларига оид хавфларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва енгиллаштиришга ёрдам бериш учун бу корхоналар билан алоқада бўлишни иложи борича илк босқичларида йўлга қўйиш;**
 - b) корхоналарга гендер ва шаҳвоний зўравонликка алоҳида эътибор берган ҳолда ҳуқуқлар бузилиши юқори хавфини баҳолашда ва буни бартараф этишда зарур ёрдам кўрсатиш;**
 - c) вазиятни ўнглаш мақсадида инсон ҳуқуқлари қўпол бузилишига алоқадор ва ҳамкорлик қилишдан воз кечаётган корхоналарнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ва унинг хизматларидан фойдаланиш имкониятини рад этиш;**
 - d) корхоналарнинг инсон ҳуқуқларини қўпол бузишининг содир этилиши иштирок этиш хавфини бартараф қилиш соҳасида ўтказилаётган сиёсат, қонунчилик, қонуности ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш чоралари самарадорлигини таъминлаш.**

Изоҳ:

Корхоналар иштирокида инсон ҳуқуқларининг айрим энг қўпол бузилишлари ҳудудлар, ресурслар ёки ҳукуматнинг ўзи устидан назорат

учун кураш олиб бориладиган ҳамда инсон ҳуқуқлари тартиби зарур тарзда амал қилишини кутишнинг имконияти бўлмаган можаролар даврида содир бўлади. Масъул корхоналар давлатларга бундай мураккаб шароитларда инсон ҳуқуқларига зарар етказилишига дахлдор бўлмасликка қандай эришиш тўғрисида уларга тавсиялар сўраб тобора кўпроқ муурожаат қилади. Бундай ҳолатларда инновацион ва реал ёндашувлар зарур. Жумладан, можаролар даврида энг кўп содир бўладиган шахвоний ва гендер зуравонлик хавфига эътибор қаратиш муҳимдир.

Барча давлатлар бундай муаммолар пайдо бўлиши имкониятини жойларда вазият ёмонлашишдан анча илгари билишлари муҳим. Можаро содир бўлган ҳудудлардаги “қабул қилувчи” давлат бу ҳудудларни самарали назорат қилишни кўлдан бой беришлари сабабли инсон ҳуқуқларини тегишли ҳимоя қилишни таъминлашга қодирлигини йўқотиши мумкин. Шунинг учун гап трансмиллий корпорациялар тўғрисида кетганда уларнинг “келиб чиқиш” давлатлари ҳам мазкур корпорацияларга, ҳам улар иш олиб борадиган “қабул қилувчи” давлатларга ёрдам кўрсатишда ўз ролларини зарур даражада бажариб, корхоналар инсон ҳуқуқлари бузилишига алоқадор бўлмасликларини таъминлашлари керак. Бунда кўшни давлатлар ҳам жиддий кўшимча ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Бундай вазиятларда “келиб чиқиш” давлатларида сиёсатда ва корхоналарга тегишли ёрдам кўрсатишда самарали келишишга эришиш учун ўз агентликлари ўртасида ривожланишга ёрдам кўрсатиш, узларининг пойтахтларида жойлашган ва элчихоналарида вакиллари бўлган ташқи ишлар ва савдо вазирликлари ҳамда экспертни молиялаштириш бўйича муассасалар, шунингдек “қабул қилувчи” ҳукуматнинг муассасалари ва органлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш; давлат ташкилотлари ва корхоналарини бундай муаммолар пайдо бўлиши хавфидан барвақт огоҳлантириш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва корхоналарнинг ана шундай шароитларда ҳамкорлик қилишдан бош тортишлари учун тегишли жавобгарликни, шу жумладан давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ёки хизматлар кўрсатишни бекор қилиш ёхуд рад этиш, бунинг имконияти бўлмаса, келажақда бундай қўллаб-қувватлашдан маҳрум қилишни кўзда тутиш.

Давлатлар корхоналарни можаролар содир бўлган ҳудудларда инсон ҳуқуқлари кўпол бузилишига алоқадор бўлиб қолишларининг хавфи катталиги

тўғрисида огоҳлантиришлари лозим. Давлатлар ўзларининг сиёсати, қонунчилиги, қонуности ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш чоралари бундай катта хавфдан қутулишга нақадар имкон беришини таҳлил этишлари, шу жумладан корхоналар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисида зарур даражада ғамхўрлик қилишга тааллуқли қоидаларини қабул қилишлари лозим. Камчиликлар аниқланган ҳолатларда уларни бартараф этиш бўйича давлатлар томонидан зарур чоралар кўрилиши лозим. Бу домициллашган² корхоналар ёки ҳудудларида ва/ёхуд юрисдикциялари остида фаолият олиб борадиган, инсон ҳуқуқлари кўпол бузилишига йўл қўядиган ёки йўл қўйилишига кўмаклашадиган корхоналарнинг фуқаролик ёки маъмурий ёхуд жиноий жавобгарлиги масалаларини ўрганишни талаб қилиши мумкин. Бундан ташқари ана шундай бузилишларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик, шунингдек самарали жамоавий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун давлатлар томонидан кўп томонлама ёндашувлар қабул қилиш имкониятини кўриб чиқиш лозим.

Ушбу барча чоралар давлатларнинг қуроли можаролар вазиятларида халқаро гуманитар ҳуқуқ, шунингдек халқаро жиноий ҳуқуқ бўйича мажбуриятларини тўлдиради.

СИЁСАТ КЕЛИШИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ

8. **Давлатлар тадбиркорлик фаолияти амалиётини белгилайдиган давлат идоралари, агентликлари ва бошқа давлат муассасалари давлатнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш мажбуриятлари тўғрисида хабардор бўлишларини ва ўзларининг тегишли мандатларини бажаришда, жумладан уларга тегишли ахборотларни тақдим этиш, тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш орқали риоя этишни таъминлашлари лозим.**

Изоҳ:

Давлатларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш мажбуриятлари ҳамда қонунлар ва тадбиркорлик фаолияти амалиётини белгилайдиган сиёсат ўртасида

2 Домициллашган (французча “domiciled” – “турар жой” сузидан) – туловлар учинчи шахс томонидан туловчи жойлашган жойда амалга оширилиши маъносини англатади.

зиддият бўлиши мутлақо мумкин эмас. Шу билан бирга давлатларга жамиятнинг турли эҳтиёжларига доир келишиш учун баъзан машаққатли қарорлар қабул қилишларига тўғри келади. Давлатлар зарур мутаносибликка эришиш мақсадида миллий сиёсатнинг вертикал ва горизонтал мувофиқлигини таъминлашга йўналтирилган тадбиркорлик соҳасидаги кун тартиби ва инсон ҳуқуқлари бир-бирини қоплаши учун кенг ёндашувни қабул қилишлари талаб этилади.

Сиёсатнинг вертикал бўйича келишилиши зарур сиёсатга, қонунчиликка ва тартибларга эга бўлган давлатларга халқаро ҳуқуқ бўйича ўз мажбуриятларини бажариш имкониятини беради. Сиёсатнинг горизонтал бўйича келишилиши тадбиркорлик фаолиятининг амалиётини белгилайдиган миллий ва маҳаллий даражадаги идоралар ва муассасаларни, шу жумладан корпоратив ҳуқуқ ва қимматли қоғозлар муомаласини тартибга солиш, инвестициялар, экспортни кредитлаш ва суғурталаш, савдо ва меҳнат муносабатлари билан шуғулланадиган идоралар ва муассасаларни улар ҳукуматнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятларидан хабардор бўлишлари ва ана шу мажбуриятларга мувофиқ равишда иш кўришлари учун қўллаб-қувватлашни ва таъминлашни англатади.

9. Давлатлар тадбиркорлик билан боғлиқ, масалан, инвестициявий битимлар ёки контрактлар доирасида сиёсий мақсадларга эришиш жараёнида ўзларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш мажбуриятларига риоя этиш учун бошқа давлатлар ёки корхоналар билан муносабатларда ички сиёсат соҳасида иш кўришнинг зарур эркинлигини сақлаб қолишлари лозим.

Изоҳ:

Давлатларнинг ёки бошқа давлатлар, ёки корхоналар билан тузадиган иқтисодий битимлари, масалан инвестициявий битимлар, эркин савдо тўғрисидаги битимлар ёхуд инвестициявий лойиҳаларга тааллуқли контрактлар давлатлар учун янги иқтисодий имкониятлар яратади. Лекин шу билан биргаликда улар ҳукуматларнинг ички сиёсат соҳасида иш кўриш эркинлигига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, халқаро инвестициявий битимларнинг шартлари давлатларнинг ҳуқуқни ҳимоя

қилиш янги қонунчилигини тулиқ бажариш имкониятларини чегаралаши, қонунчилик амалга оширилган ҳолатда халқаро арбитраж томонидан ижро этиш мажбур бўлган қарор қабул қилиш хавфини туғдириши мумкин. Шунинг учун давлатлар ана шундай битимлар шартларига мувофиқ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тегишли сиёсатни ва тартибга солувчи имкониятларни таъминлашлари, бунда инвесторлар учун зарур ҳимояни таъминлашлари лозим.

- 10. Тадбиркорлик билан боғлиқ масалалар билан шугулланадиган кўп томонлама муассасаларнинг аъзолари сифатида иш курайдиган давлатлар қуйидагиларга амал қилишлари лозим:**
- а) ушбу муассасалар ўзларининг аъзолари бўлган давлатларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятларини бажариш имкониятларини чегараламаслигини ҳамда корхоналарнинг инсон ҳуқуқларига риоя этишларига тўсқинлик қилмаслигини таъминлашга эришиш;**
 - б) ўзларининг тегишли мандатлари ва имкониятлари доирасида ушбу муассасаларнинг корхоналар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этишларига кўмаклашишларини ва давлатларга, уларнинг тегишли илтимосларига қўра, корхоналар томонидан инсон ҳуқуқларини бузишларидан, шу жумладан техникавий ёрдам кўрсатиш, салоҳиятни мустаҳкамлаш ва хабардорликни ошириш орқали ҳимоя қилиш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришларига ёрдам беришларини рағбатлантиришлари;**
 - в) умумий англашувга кўмаклашиш ишида мазкур дастурамал тамойилларга таяниш ва инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.**

Изоҳ:

Сиёсатда кенг қўламли келишиш халқаро даражада, шу жумладан давлатлар тадбиркорлик масалалари билан шугулланадиган кўп томонлама муассасаларда, хусусан халқаро савдо ва молия муассасаларида иштирок этадиган

ҳолатларда ҳам зарур. Давлатлар бундай муассасаларнинг фаолиятида иштирок этиш билан бирга халқаро ҳуқуқ бўйича ўзларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш мажбуриятларини сақлаб қолади.

Бундай муассасалар орқали салоҳиятни мустаҳкамлаш ва хабардорликни ошириш барча давлатларга ўзларининг ҳимоя қилиш мажбуриятларини, шу жумладан муаммолар ва энг яхши амалиёт туғ рисидаги ахборот билан айирбошлаш учун шароит яратиш орқали бажаришларида ёрдам кўрсатиш ишида энг муҳим роль ўйнаши, шу тарзда янада келишилган ёндашувлар қабул қилинишига кўмаклашиши мумкин.

Халқаро муассасалар орқали жамоавий амаллар давлатларга корхоналар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши масаласида ўйин қоидаларини тенглаштиришда ёрдам бериши мумкин, бироқ бунга орқада қолаётганларни бараварлаштириш ҳисобига эришиш керак. Шунингдек давлатлар, кўп томонлама муассасалар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим роль ўйнаши мумкин.

Ушбу дастурамал тамойиллар мазкур соҳадаги умумий мўлжалларни белгилаб беради ва барча тегишли томонларнинг муайян роллари ва масъулиятларини ҳисобга оладиган мужассамлашган ижобий самара яратишга самарали асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

II. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ ЖАМОАВИЙ МАСЪУЛИЯТИ

А. АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР

- 11. Корхоналар инсон ҳуқуқларига риоя этишлари зарур. Бу уларнинг бошқаларнинг инсон ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймасликларини ва ўзлари томонидан инсон ҳуқуқларига кўрсатган таъсирларининг ноқулай оқибатларини бартараф этишлари лозимлигини англатади.**

Изоҳ:

Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш учун масъулият корхоналар томонидан, улар қайси жойда фаолиятларини амалга оширишларига қарамасдан, ўзларини тутишлари бўйича кутилаётган умумий меъёр ҳисобланади. Бу давлатлар ўзларининг шахсий ҳуқуқни ҳимоя қилиш мажбуриятларини бажариш имкониятларига ва/ёки тайёрликларига боғлиқ эмас ҳамда ушбу мажбуриятларни камситмайди. Бундай мажбуриятлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган миллий қонунларга риоя этиш мажбуриятидан айрилган ҳолда мавжуддир.

Инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсир кўрсатишни бартараф этиш бунинг олдини олиш, юмшатиш ва, зарурат бўлса, зарарни қоплаш учун зарур чоралар кўриш билан боғлиқ.

Корхоналар инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадларида бу ҳуқуқларни амалга оширишга кўмаклашадиган бошқа мажбуриятларни зиммаларига олишлари ёки ўзгача фаолият билан шуғулланишлари мумкин. Бироқ бу уларнинг фаолиятлари доирасида инсон ҳуқуқларига риоя қилмасликларини қоплай олмайди.

Корхоналар давлатлар ўзларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш мажбуриятларини бажариш имкониятларига, шу жумладан суд механизмларининг обрўсини пасайтириши мумкин бўлган чоралар орқали путур етказмасликлари лозим.

- 12. Корхоналарнинг инсон ҳуқуқларига риоя қилиш мажбуриятлари халқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқларига ёйилади,**

бунда энг камида Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро биллда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар ва Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат соҳасида асосий тамойиллар ва ҳуқуқлар тўғрисидаги декларациясида баён этилган асосий ҳуқуқларга тааллуқли тамойиллар тушунилади.

Изоҳ:

Корхоналар халқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқларининг амалда барча жабҳаларига таъсир кўрсата олишлари сабабли уларнинг ушбу ҳуқуқларга риоя этиш учун масъулияти мазкур барча ҳуқуқларга ёйилади. Амалиётда айрим тармоқларда ёки баъзи вазиятларда айрим инсон ҳуқуқлари бошқаларига нисбатан кўпроқ хавфга дуч келиши мумкинлиги сабабли бевосита ана шуларга кўпроқ эътибор берилади. Шу билан бирга вазият ўзгаришини ҳисобга олиб инсон ҳуқуқларининг барчасини вақти-вақти билан такроран кўриб чиқиш зарур.

Инсон ҳуқуқларининг халқаро эътироф этилган асосий нуфузли рўйхати Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ("Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси", шунингдек унинг доирасида кодификация қилинган асосий шартномалар: "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт" ҳамда "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт"дан иборат) биллда мужассамлашган. Бу рўйхатни Меҳнат соҳасидаги асосий тамойиллар ва ҳуқуқлар тўғрисидаги декларацияда баён этилган Халқаро меҳнат ташкилотининг саккизта асосий конвенцияларида мустаҳкамланган асосий ҳуқуқларга тааллуқли тамойиллар тўлдиради. Бунда гап бошқа ижтимоий субъектлар корхоналарнинг инсон ҳуқуқларига кўрсатадиган таъсирини баҳолайдиган мезонлар тўғрисида кетмоқда. Корхоналарнинг инсон ҳуқуқларига риоя қилиш учун масъулияти аввалгидек, асосан, тегишли юрисдикцияларида амал қиладиган миллий қонунлар қоидалари билан тартибга солинадиган ҳуқуқий маъсулият ва ҳуқуқни қўллаш масалаларидан фарқ қилади.

Вазиятга қараб корхоналарнинг, бошқа нормаларни ҳам ҳисобга олишлари талаб қилинади. Масалан, корхоналар ўзлари инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсир кўрсатишлари мумкин бўлган ҳолатларда алоҳида эътиборга муҳтож бўлган аниқ гуруҳлар ёки жамоаларга мансуб

шахсларнинг инсон ҳуқуқларига риоя қилишлари лозим. Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотлари доирасида туб халқлар; аёллар; озчиликни ташкил қиладиган миллатлар ёки элатлар, диний ва тил озчилигини ташкил қилувчилар; болалар; ногиронлар; шунингдек муҳожир меҳнаткашлар ва уларни оила аъзоларининг ҳуқуқлари тўғрисида қўшимча шартномалар қабул қилинган. Бундан ташқари қуролли можаролар вазиятларида корхоналар халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларига риоя этишлари лозим.

13. Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш мажбурияти корхоналардан қуйидагиларни талаб этади:

- а) ўзларининг фаолияти доирасида инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсир кўрсатиш ёки бундай таъсир кўрсатишга кўмаклашишга йўл қўймаслик ҳамда бу содир бўлса, мазкур таъсир оқибатларини бартараф этиш;**
- б) ўзларининг фаолияти, амалий муносабатлари туфайли маҳсулоти ёки хизматлари билан бевосита боғлиқ бўлган инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсир кўрсатишнинг, ҳатто агар улар бевосита бундай таъсир кўрсатишга ёрдам бермаган бўлсалар ҳам, олдини олишга ёки енгиллаштиришга интилиш.**

Изоҳ:

Корхоналар ёки ўз фаолиятлари доирасида, ёхуд ўзларининг бошқа томонлар билан амалий муносабатлари оқибатида инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсир кўрсатишга дахлдор бўлишлари мумкин. 19-дастурамал тамойилларда корхоналар бундай вазиятларда қай тарзда иш кўришлари тўғрисида батафсил гап боради. Ушбу дастурамал тамойиллар мақсадлари учун корхонанинг “фаолияти” ҳам, фаолият кўрсатишни ҳам фаолиятсизликни англатади; унинг “амалий муносабатлари” тадбиркорлик фаолияти бўйича шериклари, қийматни ташкил этиш занжиридаги субъектлар ҳамда унинг тадбиркорлик фаолияти, маҳсулотлари ёки хизматларига бевосита алоқадор бўлган бошқа нодавлат ёки давлат субъектлари билан муносабатлари сифатида тушунилади.

14. Корхоналарнинг инсон ҳуқуқларига риоя қилиш мажбуриятлари барча корхоналарга, уларнинг кўлами, сектори, фаолият шароитлари, мулк ва тузилмаси шаклларида қатъи назар, тааллуқдир. Шунга қарамасдан корхоналар ушбу мажбуриятларини бажаришларида ёрдам берадиган кўламлар ва усуллар мураккаблигининг даражаси мазкур омиллар ҳамда корхоналарнинг инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсири оқибатларининг оғирлигига боғлиқ равишда ўзгариши мумкин.

Изоҳ:

Корхона ўзининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш бўйича мажбуриятини бажаришда ёрдам берадиган усуллар бошқа омиллар қатори унинг кўламига боғлиқдир. Кичик ва ўрта корхоналар йирик компаниялар билан таққосланганда камроқ салоҳиятга, лекин кўпроқ норасмий тартибларга ва бошқарув тузилмаларига эга бўлиши мумкин, бунинг оқибатида уларнинг тегишли сиёсати ва тартиблари бошқа шаклларга эга бўлади. Шу билан бир қаторда айрим кичик ва ўрта корхоналар инсон ҳуқуқларига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин, бу уларнинг кўлаמידан қатъи назар тегишли чоралар кўришни талаб этади. Оқибатларнинг жиддийлиги бу таъсирнинг кўлами, ҳажми ва уни тузатиб бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Корхона ўзининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш бўйича мажбуриятини бажаришига кўмаклашадиган усуллар тадбиркорлик фаолиятининг кўламига ҳамда бу жамоавий гуруҳ ёки алоҳида шахслар доирасида амалга оширилишига боғлиқ равишда фарқ қилиши мумкин. Бироқ инсон ҳуқуқларига риоя этиш учун масъулият барча корхоналарга тўла ҳажмда ва тенг даражада қўлланилади.

15. Корхоналар ўзларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш мажбуриятлари кўламлари ва фаолиятининг шароитларини ҳисобга олган ҳолда бажаришлари учун ўз сиёсатлари ва тартиблари, жумладан қуйидагиларни белгилаб олишлари лозим:

- а) инсон ҳуқуқларига риоя қилиш мажбуриятларини бажариш бўйича дастурий мажбурият;**

- б) ўзларининг инсон ҳуқуқларига таъсири оқибатларини аниқлаш, буларнинг олдини олиш, енгиллаштириш мақсадларида ҳамда қай тарзда ушбу оқибатларни бартараф этаётганликлари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш мақсадларида инсон ҳуқуқлари тўғрисида зарур даражада гамхурлик қилишни таъминлаш тартиби;**
- с) ўзлари томонидан ёки ўзларининг кўмаклашиши билан инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсирнинг ҳар қандай турлари муносабати билан етказилган зарарни қоплаш имконини берадиган тартиблар.**

Изоҳ:

Корхоналар инсон ҳуқуқларига риоя этаётганликларини билишлари ва буни намойиш этишлари зарур. Бунга тегишли сиёсатни белгилаб олмасдан ва тартибларни амалга оширмасдан эришиб бўлмайди. Ушбу масалалар 16–24-тамоийилларда батафсил очиб берилади.

В. ФАОЛИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИ

ДАСТУРИЙ МАЖБУРИЯТ

- 16. Корхоналар ўзларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш мажбуриятларини мустаҳкамлаб қўйишга биринчи қадамлари сифатида ушбу мажбуриятларни бажариш бўйича зиммаларига дастурий хусусиятга эга бўлган баёнотда акс этадиган мажбуриятни олишлари лозим. Ушбу мажбурият:**
 - а) корхона раҳбар бўғинининг энг юқори даражасида тасдиқланади;**
 - б) ички ва/ёки ташқи экспертларнинг тегишли хулосаси асосида тайёрланади;**
 - с) корхона томонидан ходимлари, тадбиркорлик фаолияти бўйича шериклари ҳамда унинг фаолияти маҳсулотлари ёки хизматлари билан бевосита боғлиқ бошқа томонларнинг инсон ҳуқуқларига қутилган муносабатини белгилайди;**

- д) корхона ичида ва унинг ташқарисида барча ходимлар, тадбиркорлик фаолияти бўйича шериклари ва бошқа тегишли томонлар ўртасида ошкор қилинади ва тарқатилади;**
- е) корхона бутун фаолияти доирасида мустаҳкамлаб қўйиш учун зарур бўлган дастурлар ва жорий фаолият тартибларида ўз ифодасини топади.**

Изоҳ:

“Баёнот” атамаси умумий маънода корхона томонидан ўзининг вазифалари, мажбуриятлари ва режаларини ошкор эълон қилиш учун фойдаланадиган ҳар қандай воситаларни белгилаш учун қўлланилади.

Дастурий баёнот тегишли тарзда асосланган бўлиши учун зарур эксперт билимларнинг даражаси корхона амалий операцияларининг мураккаблигига боғлиқдир. Эксперт билимлари Интернет ёки матбуот нашрларининг нуфузли ресурсларидан бошлаб тан олинган экспертларнинг маслаҳатларигача бўлган турли манбалардан олиниши мумкин.

Мажбурият қабул қилинганлиги тўғрисидаги баёнот ҳамма учун ошкор бўлиши керак. Уни корхона билан шартнома муносабатларига эга бўлган субъектлар; фаолияти билан бевосита боғлиқ бошқа томонлар (улар қаторига давлат хавфсизлиги кучлари; инвесторлар ҳамда инсон ҳуқуқларига жиддий хавф туғдирадиган фаолиятни амалга оширишда — бунга тааллуқли бўлиши мумкин манфаатдор томонлар киради) ўртасида фаол тарқатиш лозим. Баёнотларни тарқатишда ва у билан боғлиқ сиёсат ва тартибларни ўтказишда корхона ичкарисида тегишли бизнес функцияларини бажариш ишида ҳар қандай зарур тайёргарликка эга бўлган ходимлар томонидан қўллаб-қувватланадиган йўналишлар ва ҳисоботлар тизимлари аниқ белгилаб қўйилиши керак.

Ўз сиёсатини келишиш устида иш олиб бориши керак бўлган давлатлар каби корхоналар ҳам ўзларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш бўйича мажбуриятларини кенг маънодаги тадбиркорлик фаолияти ва амалий муносабатлари хусусиятини белгилайдиган дастурлар ва тартиблар билан мувофиқлаштиришга интилишлари керак. Бу, масалан, ходимлар учун молиявий ва бошқа амалий рағбатларни белгилайдиган дастурлар ва тартибларни; харид қилиш амалиётини, шунингдек инсон ҳуқуқларига

риоя этиш учун хавф туғиладиган ҳолатларда буни бартараф этишга қаратилган фаолиятни қамраб олиши керак.

Дастурий баёнот ана шулар ва бошқа ҳар қандай зарур чоралар ёрдамида корхонанинг юқори раҳбар бўғинидан бошлаб унинг барча функциявий бўлинмаларигача ҳамма томонидан чуқур ўзлаштирилган бўлиши керак, акс ҳолда улар инсон ҳуқуқлари тўғрисида хабардорликка эга бўлмасдан ёки буни ҳисобга олмасдан иш кўришлари мумкин.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЗАРУР ДАРАЖАДА ГАМХЎРЛИК

17. Корхоналар инсон ҳуқуқларига ўз ноқулай таъсирининг олдини олиш, бунинг оқибатларини енгиллаштириш ҳамда бу оқибатлар қандай бартараф этилиши тўғрисида ҳисоботни тақдим этиш мақсадида инсон ҳуқуқлари тўғрисида зарур даражада гамхўрлик қилишлари керак. Ушбу жараён инсон ҳуқуқларига амалда бўлган таъсирни баҳолаш, ушбу хулосаларни ҳисобга олишни ва шу асосда чоралар кўриш, тегишли ўзгаришларни кузатиш ҳамда бундай таъсир оқибатлари қай тарзда бартараф этилаётганлиги тўғрисида ахборот тарқатишни қамраб олиши керак. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида зарур даражадаги гамхўрлик:

- а) инсон ҳуқуқларига корхона ўз фаолияти доирасида кўмаклашиши ёхуд фаолияти, маҳсулоти ёки амалий муносабатлари орқали хизматлари билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкин ноқулай таъсирларга тааллуқли бўлиши керак;**
- б) корхонанинг кўламига, инсон ҳуқуқларига жиддий таъсир кўрсатиш хавфига, шунингдек унинг фаолияти хусусияти ва шароитларига боғлиқ равишда турли мураккабликларга эга бўлади;**
- с) инсон ҳуқуқлари учун хавф вақт ўтиши билан корхона фаолияти шаклининг ўзгартирилиши ва буни ўтказиш шароитлари алмашишини ҳисобга олган ҳолда доимий хусусиятга эга бўлиши керак.**

Изоҳ:

Мазкур тамойил инсон ҳуқуқлари тўғрисида зарур даражада ғамхўрлик ўлчамларини белгилайди, 18–21-тамомийларда эса унинг асосий таркибий қисмлари баён этилади.

Инсон ҳуқуқларига хавф дейилганда корхонанинг инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсир кўрсатиш имкониятлари тушунилади. Таъсир кўрсатиш имкониятларини уларнинг олдини олиш ёки юмшатиш орқали бартараф этиш мумкин, айти пайтда амалда таъсир кўрсатиш, яъни содир этилганлар етказилган зарарни қоплаш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак (22-тамомий).

Инсон ҳуқуқларига бўлган ғамхўрлик мазкур тамойил компаниянинг ўзи учун моддий хавфларни шунчаки аниқлаш ва бартараф этиш доираларидан чиқиб ҳуқуқ эгаларига нисбатан хавфларни ҳисобга олиш шарти билан корхона учун бўлган хавфларни бошқаришнинг кенгроқ тизимларига интеграция қилиниши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисида зарур даражадаги ғамхўрлик инсон ҳуқуқлари учун хавфлар контрактларни ёки бошқа шартномаларни тайёрлаш босқичидаёқ кучайиши ёки юмшаши ҳамда қўшилиш ёки эга бўлиш жараёнида мерос қилиб олиниши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда фаолиятнинг янги турига ўтишга ёки амалий муносабатларни ўрнатишга тайёргарлик кўриш иложи борица эртароқ бошланиши керак.

Корхоналар уларнинг қийматни яратиш занжирида иштирок этаётган кўп сонли субъектлар билан муносабатларни узмасдан турадиган шароитларда барча субъектлар билан муносабатлар доирасида инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсирга йўл қўймаслик мақсадларида зарур даражада ғамхўрлик кўрсатиш тамойилини қўллаш бажариш мушкул бўлган вазифага айланиши мумкин. Бундай ҳолатда корхоналар инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсир хавфлари айрим маҳсулот етказиб берувчилар ёки мижозлар фаолияти шароитлари, баъзи ишлаб чиқариш операциялари, маҳсулотлар ёки хизматлар ёхуд бошқа шароитлар сабабли туғилишидан қатъи назар, бундай хавфлар энг кучли бўлган соҳаларни аниқлашлари ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисида зарур даражада ғамхўрлик нуқтаи назаридан ушбу хавфларнинг устуворликларини аниқлашлари лозим.

Корхона инсон ҳуқуқларига бошқа томонлар тарафидан ноқулай таъсир кўрсатилаётганда, бунга кўмаклашаётган ёки кўмаклашаётган деб ҳисобланаётган ҳолатларда уларнинг шериклиги тўғ рисидаги масалани қўйиши мумкин. Шериклик ҳам ноҳуқуқий, ҳам ҳуқуқий хусусиятга эга бўлиши мумкин. Ноҳуқуқий нуқтаи назардан корхоналар, масалан бошқа томон тарафидан содир этилаётган бузилишдан манфаатдор эканликлари тасаввур қилинса, бу ана шу томоннинг қилмишларига “шериклар” сифатида баҳоланиши мумкин.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан кўпчилик миллий юрисдикциялар жиноят содир этишга шериклик қилишни ман этади, уларнинг айримлари эса бундай ҳолатларда корхоналар учун жиноий жавобгарликни назарда тутуди. Қоида бўйича, фуқаролик даъво аризалари ҳам корхоналарнинг зарар етказишда таҳмин қилинган иштирокига асосланиши мумкин, аммо бундай даъво аризалари инсон ҳуқуқлари атамаларида таърифланмаслиги мумкин. Халқаро жиноят ишлари бўйича бутун суд амалиёти шундан далолат берадики, шериклик ёки далолатчиликка нисбатан мавжуд нормаларнинг моҳияти жиноятни содир этиш учун онгли равишда жиддий аҳамиятга эга бўлган амалий ёрдам бериш ёки далолатчиликдан иборатдир.

Инсон ҳуқуқлари тўғ рисида зарур даражада ғамхўрлик кўрсатиш корхоналарнинг инсон ҳуқуқларининг гумон қилинаётган бузилишига алоқадор бўлмасликлари учун барча оқилона чораларни кўрганликларини намойиш қилиш орқали ўзларига нисбатан суд иши қўзғатиш хавфини бартараф этишига ёрдам бериши керак. Шу билан бирга зарур даражадаги бундай ғамхўрликни кўрсатаётган корхоналар ана шу ғамхўрлик кўрсатиш инсон ҳуқуқларини бузишни содир этганликлари ёки содир этишга кўмаклашганликлари учун улардан ўз-ўзидан автомат тарзда ва тўла ҳажмда масъулиятни соқит қилади деб ўйламасликлари керак.

- 18. Корхоналар инсон ҳуқуқларига хавфларни баҳолаш мақсадида ўзларининг фаолиятлари натижасида ёки ўзларининг амалий муносабатлари натижасида алоқадор бўлишлари мумкин ҳар қандай амалдаги ёки имконияти бўлган ноқулай таъсирни аниқлашлари ва баҳолашлари керак. Ушбу жараён:**

- а) корхонадаги мавжуд инсон ҳуқуқлари соҳасидаги эксперт билимларига ва/ёки мустақил ташқи экспертларнинг билимларига таяниши керак;**
- б) корхоналарнинг кўлами ҳамда фаолиятларининг хусусияти ва шароитларини ҳисобга олган ҳолда даҳлдор бўлиш имкониятига эга гуруҳлар ва бошқа тегишли манфаатдор томонлар билан конструктив маслаҳатлашувлар ўтказишни қамраб олиши керак.**

Изоҳ:

Корхона алоқадор бўлиши мумкин инсон ҳуқуқлари тўғрисида зарур даражада ғамхўрлик кўрсатишда биринчи қадам инсон ҳуқуқларига амалдаги ва ноқулай таъсирнинг имконияти бўлган хусусиятини аниқлаш ва баҳолаш бўлиши керак. Бунинг мақсади — фаолиятнинг аниқ шароитларини ҳисобга олган ҳолда аниқ шахсларга аниқ таъсир хусусиятини англаб етишдир. Қоида буйича, бу таклиф этилаётган фаолият турини, имконият борица, бошлагунга қадар инсон ҳуқуқлари аҳволини баҳолаш; булар кимга таъсир кўрсатиши мумкинлигини аниқлаш; инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тегишли меъёр ва масалалар рўйхатини тайёрлаш; ва таклиф этилаётган фаолият тури ҳамда бу билан боғлиқ бўлган амалий муносабатлар аниқланган шахсларнинг инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсир кўрсатиши мумкинлигини баҳолашни назарда тутати. Ана шу жараёнда корхоналар ночорлик ёки яккалаб қўйиш юқори хавфига дучор бўлиши мумкин гуруҳлар ёки жамоаларга мансуб алоҳида шахсларнинг инсон ҳуқуқларига таъсир кўрсатишнинг ҳар қандай аниқ турларига алоҳида эътибор беришлари, шунингдек аёл ва эркаклар дуч келиши мумкин бўлган турли хавфларни ҳисобга олишлари лозим.

Инсон ҳуқуқларига таъсирни баҳолаш жараёнлари хавфларни баҳолаш ёки атроф-муҳит ва жамиятга таъсирини баҳолаш каби бошқа жараёнларга қўшилиб кетиши мумкин бўлса ҳам, халқаро эътироф этилган барча инсон ҳуқуқлари улар учун мўлжал бўлиб хизмат қилиши керак, чунки корхоналар амалда бу ҳуқуқларнинг хоҳлаганига таъсир кўрсатиш имкониятига эгалар.

Инсон ҳуқуқларига таъсирни баҳолаш инсон ҳуқуқлари аҳволи ўзгаришининг суръатини ҳисобга олган ҳолда мунтазам вақт оралиқларида:

фаолиятнинг янги турини амалга оширишга киришилгунга ёки янги муносабатларни ўрнатгунга қадар; муҳим қарорлар қабул қилингунга ёки ўз фаолиятида жиддий ўзгаришларни амалга оширгунга (масалан, бозорга чиқишдан олдин, маҳсулот сотишни бошлашдан аввал, стратегияни ўзгартириш ёки корхонага тааллуқли кенгроқ ўзгаришлар қилингунга) қадар; фаолият шароитлари ўзгаришига жавоб ёки уларни кутиш (масалан, ижтимоий танглик кучайиши муносабати билан) тарзида; шунингдек фаолиятнинг муайян тури ёки амалий муносабатларнинг даврий пайтида вақти-вақти билан ўтказилиши лозим.

Корхоналар ўзларининг инсон ҳуқуқларига таъсирини аниқ баҳолай олишлари учун манфаатдор томонларнинг ташвишланишларини англаб етиш учун улар билан самарали ўзаро ҳамкорликка тўсиқ бўладиган тил ва бошқа тўсиқларни ҳисобга олган ҳолда тўғридан-тўғри маслаҳатлашувлар ўтказишга интилишлари керак. Бундай маслаҳатлашувлар ўтказишнинг имконияти бўлмаган ҳолатларда корхоналар нуфузли, мустақил ресурсларга, шу жумладан ҳуқуқ ҳимоячиларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа вакилларига мурожаат қилиш каби оқилона муқобил йўللари танлашлари лозим.

Инсон ҳуқуқларига таъсирни баҳолаш инсон ҳуқуқлари тўғрисида зарур даражада ғамхўрлик намоён бўлиши жараёнида бундан кейинги қадамлар қўйишни асослаш имконини беради.

19. Корхоналар инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсирнинг олдини олиш ва бунинг енгилаштириш мақсадларида ўзлари томонидан ўтказилган баҳолаш натижаларини барча тегишли ички бизнес функциялари ва жараёнларига интеграция қилишлари ва тегишли чоралар кўришлари лозим.

- а) самарали интеграциялаш учун қуйидагиларни амалга ошириш талаб қилинади:**
 - i) бундай таъсирни бартараф этиш учун масъулиятни корхонанинг тегишли даражаси ва функциявий бўлими зиммасига юклаш;**
 - ii) қарорлар қабул қилиш, молиявий маблағлар ажратиш ва назорат қилишнинг ички жараёнлари бундай таъсир**

кўрсатиш муносабати билан самарали чоралар кўришни таъминлаш имкониятини бериши керак.

b) тегишли чоралар қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

- i) корхона ноқулай таъсир кўрсатиши ёки бундай таъсир кўрсатишга кўмаклашишига, ёхуд унинг иштироки таъсири фақат ўзининг фаолияти, маҳсулоти ёки амалий муносабатлар орқали хизматлари билан бевосита боғлиқлигига;**
- ii) ноқулай таъсирни бартараф этиш жараёнига таъсир кўрсатадиган воситаларнинг самарадорлигига.**

Изоҳ:

Бутун корхона доирасида инсон ҳуқуқларига таъсирнинг аниқ натижаларини горизонтал баҳолаш фақат агар унинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлари барча тегишли бизнес функциялари томонидан уйғун идрок қилинган бўлса самарали бўлиши мумкин. Бу баҳолаш натижаларини тўғри баҳолашни таъминлашни, бунга зарур даражада аҳамият беришни ва шунинг асосида чоралар кўришни талаб этади.

Корхоналар инсон ҳуқуқларига таъсирни баҳолаш экан, ҳам амалдаги, ҳам имконияти бўлган ноқулай таъсирни кўриб чиқадилар. Имконияти бўлган таъсир бутун корхона доирасида баҳолаш натижаларини горизонтал интеграциялаш орқали олдини олади ёки энгиллаштиради, айти пайтда амалдаги таъсир — яъни содир бўлгани — етказилган зарарни қоплаш учун асос бўлиши керак (22-тамойил).

Корхона инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсир кўрсатаётган ёки кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатда бундай таъсир кўрсатишни тўхтатиш ёки олдини олиш учун зарур чоралар кўриши керак.

Корхона инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсир кўрсатишга кўмаклашаётган ёки кўмаклашиши мумкин бўлган ҳолатларда, у ўзининг таъсир кўрсатишини тўхтатиши ёки бунинг олдини олиш учун зарур чораларни кўриши, шунингдек ҳар қандай сақланиб қолаётган таъсирни энгиллаштириш мақсадида таъсир қуролларида иложи борича тўлиқ фойдаланиши лозим. Зарар етказётган субъектнинг ноқонуний амалиётини ўзгартириш учун имкониятнинг мавжудлиги корхонанинг таъсир қуроли борлигини билдиради.

Корхона инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсир кўрсатишга қўмаклашмаётган ҳолатларда фаолияти бошқа субъект билан амалий муносабати орқали маҳсулоти ёки хизмати билан бевосита боғлиқ бўлса, бундай вазият мураккаб хусусиятга эга бўлади. Ана шундай вазиятларда зарур чоралар тўғрисидаги масалани ҳал қилишда ҳисобга олинадиган омиллар қаторига корхонада тегишли субъектга таъсир кўрсатиш учун қурол мавжудлиги, мазкур муносабатлар корхона учун нақадар муҳим аҳамиятга эгаллиги, бузилишнинг жиддийлиги масаласи, шунингдек ушбу субъект билан муносабатларни узишнинг инсон ҳуқуқларига салбий оқибатларга эга бўлиши масаласи билан боғлиқдир.

Вазият ва унинг оқибатлари инсон ҳуқуқлари учун қанчалик мураккаб бўлса, тегишли чора кўриш тўғрисида қарор қабул қилиш жараёнида корхонанинг мустақил эксперт маслаҳатини олиш учун мурожаат қилиши шунчалик салмоқли асос ҳисобланади.

Агар корхона ноқулай таъсирнинг олдини олиш ёки уни юмшатиш учун таъсир кўрсатиш қуролига эга бўлса, у бундан фойдаланиши лозим. Агар бундай қурол мавжуд бўлмаса, уни, масалан, салоҳиятни мустаҳкамлаш ёки тегишли субъектга нисбатан ёхуд бошқа субъектлар билан ҳамкорлик доирасида бошқа рағбатларни қўллаш ҳисобига яратиш усуллари мавжуд бўлиши мумкин.

Шундай вазиятлар бўладики, корхонада ноқулай таъсирнинг олдини олиш ёки уни енгиллаштириш учун зарур қуроллар бўлмайди ва у бу қуролни ярата олмайди. Ана шундай ҳолатда корхона муносабатларни узиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши, бунда ана шундай қарорнинг инсон ҳуқуқларига имконияти бўлган ноқулай таъсирини нуфузли баҳолашни эътиборга олиши лозим.

Амалий муносабатлар корхона учун “ҳаётий муҳим” бўлган ҳолатларда уларни узиш қўшимча муаммоларни туғдиради. Агар бундай муносабатлар корхона фаолияти учун ниҳоятда зарур бўлган маҳсулот ёки хизматдан фойдаланиш имконини берса ҳамда улардан фойдаланиш учун оқилона муқобил манба мавжуд бўлмаса, бундай муносабатлар ҳаётий муҳим сифатида баҳоланади. Шу муносабат билан айна пайтда инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсирнинг оқибатлари оғирлигини ҳисобга олиш зарур: бузилиш қанчалик қўпол бўлса, корхона ўзининг амалий

муносабатларини узишнинг мақсадга мувофиқлиги туғ рисида қарор қабул қилишни кутмасдан, иложи борица тезроқ зарур ўзгаришларни амалга оширишга ҳаракат қилиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бузилиш содир этилаётган, корхона эса амалий муносабатларни сақлаб турган бутун вақт давомида у таъсирни юмшатиш учун ўз ҳаракатларини намойиш этиши ҳамда ана шундай муносабатлар давом этиши билан боғлиқ ҳар қандай обрўси учун молиявий ёки ҳуқуқий оқибатларга тайёр бўлиши керак.

20. Корхона инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсир бартараф этилаётганлигини текшириш учун ўзи томонидан қабул қилинган чораларнинг самарасини кузатиб бориши лозим. Бундай кузатиб бориш:

- а) тегишли сифат ва миқдор кўрсаткичларига асосланиши;**
- б) ички ва ташқи манбаларга, шу жумладан тегишли манфаатли томонларнинг ахборот манбаларига таяниши керак.**

Изоҳ:

Корхоналар учун бундай кузатиш унинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш сиёсати нақадар мақбул равишда амалга оширилаётгани, бу инсон ҳуқуқларига аниқланган таъсирга мутаносиблигининг самараси қандайлигини, шунингдек вазиятни мунтазам яхшилаб боришнинг таъминлашини билиш учун зарурдир.

Корхоналар ўз чораларининг ночорлик ёки яккалаб кўйишнинг катта хавфига дучор бўлиши мумкин булган аҳолининг гуруҳларига ёки тоифаларига мансуб алоҳида шахсларга кўрсатилаётган таъсирига мутаносиблиги самарадорлигини кузатиб бориш учун алоҳида саъй-ҳаракатлар қилиши лозим.

Бундай кузатишни тегишли ички ҳисобот жараёнларига мужассамлаштириш лозим. Корхоналар ўзлари томонидан бошқа мақсадлар учун қўлланадиган воситалардан ҳам фойдаланишлари мумкин. Бундай воситалар сифатида перформанс³ — контрактлар ва шарҳлардан,

3 Перформанс (инглизча “performance” – “томоша” сўзидан) – томошабинлар эътиборини қутилмаган, фавқулдда усуллар билан жалб этишга йўналтирилган бадий ижод тури. Бу уринда гап кўпчилик эътиборини тортиши керак булган битим хусусида кетмоқда.

шунингдек, зарурат бўлса, жинслар бўйича ажратилган маълумотлардан фойдаланиладиган текшириш ва аудитларни қўллаш мумкин. Шикоятларни тезкор кўриб чиқиш механизмлари ҳам бевосита тааллуқли бўлган томонлардан корхонанинг инсон ҳуқуқлари тўғрисида зарур даражада ғамхўрлик қилишининг самарадорлиги тўғрисидаги ахборот олиш учун муҳим манба бўлиши мумкин (29-тамойилга қаранг).

21. Корхоналар ўзларининг инсон ҳуқуқларига таъсирини қандай бартараф этаётганликлари тўғрисида шу тарзда ҳисоб бериши уларнинг ана шундай ахборотни, айниқса ташвишли томонлар ёки улар номидан билдириладиган ҳолатларда тарқатишга тайёрликларини назарда тутди. Фаолияти ёки фаолиятининг шароитлари инсон ҳуқуқлари учун оғир оқибатлар хавфини тугдирадиган корхоналар буни қандай тарзда бартараф этаётганликлари тўғрисида расмий ҳисоб беришлари лозим. Ҳар қандай ҳолатда уларнинг маълумотлари:

- а) шаклга эга бўлиши ва корхонанинг инсон ҳуқуқига таъсирига мос бўлган даврийлик билан тақдим этилиши ҳамда мақсадли аудиториянинг фойдаланишига имконият бериши керак;**
- б) корхонанинг инсон ҳуқуқларига аниқ бир таъсирига кўрган чораси мутаносиблигини баҳолаш учун етарлича маълумотни қамраб олиши керак;**
- в) ўз навбатида тегишли манфаатдор томонларга, ходимларга ёки тижорат ахборотининг махфийлигига қонуний талабларга риоя этиш учун қўшимча хавфлар тугдирмаслиги керак.**

Шарҳ:

Инсон ҳуқуқлари учун маъсулият корхоналарнинг, бир томондан ахборот олиш, бошқа тарафдан — улар амалиётларида инсон ҳуқуқларига риоя қилаётганликларини кўрсатиш доирасидаги сиёсатни қабул қилиш ва ўзларининг жараёнларни амалга оширишларини назарда тутди. Бундай намоиш ахборотни муайян очиқлик асосида тарқатишни ва таъсир

кўрсатилиши мумкин бўлган алоҳида шахслар ёки гуруҳлар, шунингдек бошқа тегишли манфаатдор томонлар, шу жумладан инвесторлар ўртасида ҳисоб беришни назарда тутди.

Тақдим этилаётган ахборот турли шаклларда, шу жумладан шахсий учрашувлар, тўғ ридан-тўғ ри мулоқотлар, тегишли манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашувлар, шунингдек расмий ошкора ҳисоботлар шаклини олиши мумкин. Ҳозирги вақтда расмий ҳисобот ҳам ўзгариб бормоқда, чунки ҳар йиллик анъанавий ҳисоботлар ва корпоратив масъулият/барқарорлик тўғ рисидаги ҳисоботлар янгиланган тўғ ридан-тўғ ри ахборотлар ҳамда комплекс молиявий ва номолиявий ҳисоботлар билан ҳам тўлдирилмоқда.

Корхоналарнинг расмий ҳисоботлари инсон ҳуқуқларига жиддий таъсир кўрсатиш хавфи мавжудлигида, бу улар фаолиятининг хусусияти ёки шароити билан боғлиқлигидан қатъи назар, зарурдир. Ҳисобот корхона инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсирни қай тарзда аниқлаётгани ва бартараф этаётганлигига тааллуқли мавзуларни ва улар учун тегишли кўрсаткичларни қамраб олиши керак. Инсон ҳуқуқларига риоя этиш тўғ рисидаги ҳисоботни мустақил текшириш унинг мазмуни сифатини ва унга ишончни ошириш имконини берган бўларди. Тармоқ кўрсаткичлари қўшимча ахборотнинг фойдали манбаси бўлиши мумкин.

ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ

- 22. Корхоналар уларга ноқулай таъсир кўрсатилаётганлигини ёки бунга кўмаклашаётганлигини аниқлаганларида, улар етказилган зарарни қонуний жараёнлар доирасида қоплашлари ёки зарарни қоплаш мақсадларида ҳамкорлик қилишлари керак.**

Изоҳ:

Корхона ҳатто мақбул сиёсат ва амалиётга эга бўлганида ҳам кўзда тутиш ёки олдини олишнинг имконияти бўлмаган ноқулай таъсир кўрсатишига кўмаклашиши мумкин.

Корхона ўзи томонидан инсон ҳуқуқлари тўғ рисида зарур даражада ғамхўрлик қилиш доирасида ёки бошқа воситалар билан бундай вазият пайдо бўлганлигини аниқласа, унинг инсон ҳуқуқларига риоя этиш учун

масъулияти ёки мустақил равишда, ёхуд бошқа субъектлар билан ҳамкорликда зарарни қоплаш жараёнида фаол иштирок этишини назарда тутати. Томонлар фойдалана оладиган, корхона амалга ошираётган фаолият оқибатида таъсир кўрсатиш имконияти бўлган шикоятларни оператив даражада кўриб чиқиш механизмлари зарарни қоплашнинг 31-тамойилда баён этилган муайян асос мезонларига жавоб берадиган самарали воситалардан бири бўлиши мумкин.

Ноқулай таъсир корхона томонидан кўрсатилмаган ёки у бунга кўмаклашмаган, аммо корхонанинг фаолияти, амалий муносабатлари оқибатидаги маҳсулотлари ёки хизматлари билан бевосита боғлиқ бўлса, инсон ҳуқуқларига риоя этиш учун масъулият зарарни корхонанинг ўзи қоплаши кераклигини назарда тутмайди, лекин шу муносабат билан у муайян роль ўйнаши мумкин.

Айрим вазиятлар, жумладан жиноят содир этилганлигини тасдиқлаш билан боғлиқ вазиятлар, қоида бўйича, суд механизмлари билан ҳамкорлик қилишни талаб қилади.

Уларнинг ёрдамида зарарнинг қопланишига эришиш мумкин бўлган, шу жумладан инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсир кўрсатиш тўғрисидаги тасдиқлар юзасидан баҳслашиш ҳолатларида қўлланиладиган механизмларга нисбатан тавсиялар ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланиш имкониятига бағишланган III бобдан ўрин олган.

ШАРОИТЛАРГА ТААЛЛУҚЛИ МАСАЛАЛАР

23. Корхоналар ҳар қандай шароитларда ҳам қуйидагиларга амал қилишлари лозим:

- a) фаолият олиб борадиган жойлардан қатъи назар, амалдаги барча қонунларни ижро этишлари ва халқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқларига риоя қилишлари;**
- b) зиддиятли талабларга дуч келганларида, халқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқлари тамойилларини бажариш воситаларини топишлари;**
- c) фаолиятларини олиб борадиган жойдан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини қўпол бузиш ёки бузишга кўмаклашиш хавфига ҳуқуқий нормаларга риоя этиш масаласидек муносабатда бўлиш.**

Изоҳ:

Аниқ бир мамлакат ва маҳаллий шароитлар корхонанинг фаолияти ва унинг амалий муносабатлари билан боғлиқ равишда инсон ҳуқуқлари учун хавфга таъсир кўрсатса ҳам барча корхоналар, фаолиятларини амалга ошириш жойидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларига риоя этиш учун бир хил мажбуриятга эгалар. Мамлакатдаги вазият бу мажбуриятларини тўла ҳажмда бажариш имконини бермайдиган ҳолатларда корхоналар халқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқлари тамойилларга ушбу вазиятларда иложи борича юксак даражада риоя этишлари ҳамда ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларини намойиш эта олишлари кутилади.

Айрим амалий шароитлар, масалан можароларга даҳлдор ҳудудлар корхоналарнинг бошқа субъектлар (масалан, хавфсизлик кучлари) томонидан содир этилган инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилиши иштирокчилари бўлиб қолишлари хавфини ошириши мумкин. Корхоналар ушбу хавфга корпорацияларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги кенгайиши ва ҳудуддан ташқари даъволар қўйилиши мумкинлигини, шунингдек Халқаро жинойят ишлари суди Рим мақоми қоидаларини корпорацияларнинг жинойят жавобгарлигини кўзда тутадиган ҳуқуқий тизимга қўшиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда қонун талабларига риоя қилиш масаласидек муносабатда бўлишлари керак. Бундан ташқари, корпорацияларнинг юқори ва ўрта бўғини раҳбарлари, шунингдек уларнинг оддий ходимлари инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилишига тенглаштириладиган қилмишлар учун шахсий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Корхоналар бундай мураккаб вазиятларда аҳволни абгорлаштирамаслик учун бор имкониятдан фойдаланишлари лозим. Жавоб тариқасида энг самарали чораларни танлашда кўп ҳолатларда фақат эксперт билимларга ва корхонанинг турли хизматлари билан маслаҳатлашувлар ўтказишга таянибгина қолмасдан, шунингдек ташқи нуфузли, мустақил экспертларга, шу жумладан ҳукумат, фуқаролик жамияти, миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасаларидаги экспертларга ва тегишли кўп томонлама механизмларга муурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

24. Инсон ҳуқуқларига амалдаги ва имкони бўлган ноқулай таъсирни бартараф этиш бўйича устувор саъй-ҳаракатларни белгилаш зарурати тугилган ҳолатларда корхоналар, биринчи

навбатда, энг жиддий оқибатларнинг олдини олиш ёки юмшатишга ёки бунга кечикиб муносабат билдириш бундай таъсирни асл ҳолатига келтира олмаслигини ҳисобга олган ҳолда чоралар кўришга интилишлари лозим.

Изоҳ:

Корхоналар ўзлари томонидан кўрсатилган ноқулай таъсирнинг барча турларини бартараф этишлари лозим бўлса-да, уларни бир вақтда бартараф этишнинг ҳамиша ҳам иложи йўқ. Аниқ ҳуқуқий тавсиялар мавжуд эмаслиги ҳамда саъй-ҳаракатларнинг устуворликларини аниқлаш зарурати бўлган ҳолатларда кечикиб муносабат билдириш вазиятни ўнглаш имкониятларини чеклаши мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда инсон ҳуқуқларига таъсирнинг энг хавfli бўлган шаклларини бартараф этишдан бошлаш лозим. Шу маънода оқибатларнинг оғирлиги мутлақ мезон ҳисобланмайди; бу инсон ҳуқуқларига корхона томонидан аниқланган бошқа таъсирлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

III. ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИДАН Фойдаланиш имконияти

A. АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР

- 25. Давлатлар тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бузилишидан суд, маъмурий, қонунчилик ва бошқа тегишли воситалар орқали ҳимоя қилишдан иборат ўз мажбуриятлари доирасида бундай бузилишлар ҳудудларида ва/ёки юрисдикциялари чегарасида рўй бериши ҳолатларида тегишли томонлар ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишларини таъминлаш учун зарур чораларни кўришлари керак.**

Изоҳ:

Агар давлатлар тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бузилишини текшириш, айбдорларни жазолаш ва зарарни қоплаш учун зарур чораларни кўрмайдиган бўлсалар, давлатнинг ҳимояни таъминлаш бўйича мажбурияти самарасиз бўлиб қолади ёки умуман ўзининг маъносини йўқотади.

Ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш ўзининг тартиб ва моддий-ҳуқуқий жиҳатларига эга. Ушбу бўлимда гап кетаётган, шикоятларни кўриб чиқиш механизмлари доирасида тақдим этиладиган ҳуқуқий ҳимоя воситалари, умуман олганда, мақсади инсон ҳуқуқларига етказилган зарарни қоплаш ёки йўқотиш бўлган турли моддий-ҳуқуқий шаклларни олиши мумкин. Ҳуқуқий ҳимоя воситалари узр сўрашни, реституция⁴ ни реабилитация қилишни, молиявий ёки молиявий бўлмаган компенсацияни ҳамда жазо (жиноий ёки, масалан, жарима шаклидаги маъмурий) қўллашни, шунингдек янги зарар кўришга (масалан, суд тақиқи ёки такрорламаслик кафолати шаклида) йўл қўймасликни қамраб олиши мумкин. Ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этиш

4 Реституция (лотинча "restitutio" — "аввалги ҳуқуқларни тиклаш" сузидан) — битим бекор қилиниши оқибатида томонларнинг ушбу келишувга биноан олган ҳамма нарсаларининг қайтариб берилиши.

тартиблари холис, коррупциядан ҳамда натижаларга таъсир кўрсатишга сиёсий ёки бошқа кучларнинг уринишларидан ҳимояланган бўлиши керак.

Ушбу дастурамал тамойиллар мақсадлари учун “шикоят” алоҳида шахс ёки гуруҳнинг субъектив тасаввури нуқтаи назари асосида қонун, контракт, бевосита ёки билвосита билдирилган ваъда, одатий амалиёт ётиши мумкин бўлган адолатсизлик тушунчаси ёки ҳуқуқлари чеклаб қўйилган жамоаларнинг адолат тўғрисидаги умумий тасаввури англанади. “Шикоятларни кўриб чиқиш механизми” атамаси ҳар қандай давлат ёки нодавлат органи томонидан ташкил этиладиган ва амалга ошириладиган, доирасида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бузилиши устидан шикоят берилиши ва ҳуқуқий ҳимоя сўралиши мумкин бўлган суд ёки судга алоқадор бўлмаган жараённи билдиради.

Шикоятларни кўриб чиқишнинг давлат механизмлари қонун ёки конституция томонидан тақдим этилган ваколатга эга бўлган давлат идораси, муассасаси ёки мустақил орган қарамоғида бўлиши мумкин. Улар судга алоқадор ёки алоқадор бўлмасликлари мумкин. Айрим механизмлар тааллуқли томонлар ўзларига ҳуқуқий ҳимоя тақдим этиш илтимоси билан бевосита мурожаат қилишларини кўзда тутуди; бошқа механизмларда ҳуқуқий ҳимоя тақдим этиш илтимоси билан улар номидан воситачи мурожаат қилади. Уларга судлар (ҳам жиноий, ҳам фуқаролик ишлари бўйича), меҳнат низолари бўйича судлар, миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасалари, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг кўпмиллатли корхоналар учун дастурамал тамойиллар доирасида амал этадиган миллий мувофиқлаштириш механизмлари, омбудсменларнинг кўп сонли бошқармалари, шунингдек шикоятларни кўриб чиқиш бўйича давлат хизматлари мисол бўла олади.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларида ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имконияти ҳам давлат томонидан жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишни, ушбу механизмларни, улардан фойдаланиш имкониятини англаб етишларига кўмаклашишни ҳамда шу мақсадда ҳар қандай қўллаб-қувватлашни (молиявий ёки эксперт) таъминланиши зарурлигини назарда тутуди.

Давлатнинг шикоятларни кўриб чиқиш бўйича суд ва судга алоқадор бўлмаган механизмлари ҳуқуқий ҳимоянинг анча кенгроқ тизими учун асос яратиши керак. Ана шу тизим доирасида шикоятларни оператив даражада кўриб чиқиш механизмлари илк босқичдаёқ шикоятлар бериш ва низони ҳал этиш имкониятини таъминлаши мумкин. Давлат механизмлари ва оператив даражада амал қиладиган механизмлар, ўз навбатида, биргаликдаги ташаббуслар томонидан кўриладиган ҳимоя чоралари, шунингдек ҳуқуқни ҳимоя қилиш халқаро ва минтақавий механизмларининг чоралари билан тўлдирилиши ёки кучайтирилиши мумкин.

В. ФАОЛИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИ

ДАВЛАТ СУД МЕХАНИЗМЛАРИ

- 26. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бузилишини бартараф этишда давлатлар миллий суд механизмлари, шу жумладан ҳуқуқий, амалий ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятини рад этишга сабаб бўлиши мумкин бошқа тегишли тўсиқларни бартараф этиш воситаларини излаб топиш ҳисобига самарадорлигини ошириш учун тегишли чораларни кўришлари лозим.**

Изоҳ:

Самарали суд механизмлари ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашнинг асоси ҳисобланади. Уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бузилишини бартараф этишларига қодирлиги ўзларининг холислиги, объективлиги ва тегишли суд суриштирувини ўтказиш имкониятларига боғлиқдир.

Давлатлар судга мурожаат қилиш ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишнинг асосий унсури ҳисобланган ёки самарали ҳуқуқий ҳимоянинг муқобил воситалари мавжуд бўлмаган ҳолатларда судга қонуний шикоятлар беришга халақит берадиган тўсиқлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик чораларини кўришлари лозим. Улар, шунингдек,

суд жараёни доирасида одил судловни амалга оширишга коррупция халақит бермаслигини, судлар бошқа давлат агентларининг, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг иқтисодий ёки сиёсий босимига боғлиқ бўлмасликларини ҳамда ҳуқуқ ҳимоячиларининг қонуний ва тинч фаолиятига тўсиқлар яратилмаслигини таъминлашлари лозим.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бузилиши юзасидан қонуний шикоятларни кўриб чиқишга халақит берадиган ҳуқуқий тўсиқлар, масалан, қуйидаги ҳолатларда пайдо бўлиши мумкин:

- миллий жиноят ва фуқаролик қонунларига мувофиқ корпоратив гуруҳ аъзолари ўртасида ҳуқуқий масъулиятнинг тақсимланиши йўллари тегишли ҳисоб бериш тамойилини бажаришдан бош тортиш имкониятини берганда;
- даъвогарлар қабул қилувчи давлатда одил судлов рад этилишига дуч келишларида ҳамда эътироз моҳиятидан қатъи назар, келиб чиқиш давлати судларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмасликларида;
- туб халқлар ва муҳожирлар каби айрим гуруҳлар аҳолининг бошқа қисмига нисбатан қўлланиладиган ўзларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимидан чиқариб ташланганда.

Ҳуқуқий ҳимоянинг суд воситаларидан фойдаланиш имкониятига халақит берадиган амалий ва тартиб тўсиқлари, жумладан, қуйидаги ҳолатларда пайдо бўлиши мумкин:

- даъво аризаси бериш билан боғлиқ чиқимлар асосланмаган даъво аризаларини беришни тўхтатиб туришга хизмат қиладиган омил сифатида белгилаб қўйилган миқдордан анча ортиқ бўлганида ва/ёки ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаши, "бозор" механизмлари (масалан, суд суриштируви чиқимларини суғурталаш ва ҳуқуқий ёрдамнинг беғараз тузилмалари) ёки бошқа воситалар ёрдамида оқилона даражага камайтиришнинг иложи бўлмаганида;
- даъвогарлар ресурслари ёки ҳуқуқшуносларни ўзларига аниқ бир масала бўйича маслаҳат бериш мақсадида жалб қилиш учун бошқа рағбатлари мавжуд эмаслиги сабабли қонуний вакилга эга бўлишда қийинчиликларга дуч келганларида;

- даъво аризаларини бирлаштириш ёки суд суриштирувларини вакиллар иштирокида ўтказиш (масалан, бирлаштирилган даъво аризалари бериш ёки жамоавий даъво аризалари беришнинг бошқа тартиблари) имконияти бўлмаганида, бу эса айрим даъвогарларнинг самарали ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятига тўсқинлик қилади;
- давлат айбловчилари давлатнинг айрим шахслар ва корхоналарнинг инсон ҳуқуқларига тааллуқли жиноятларда иштирок этишларини текшириш мажбуриятини бажариш учун етарлича ресурсларга, эксперт билимларга ва қўллаб-қувватланишга эга бўлмаганда.

Ушбу тўсиқларнинг кўпчилиги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бузилишига доир даъво аризаларини кўриб чиқиш жараёнида тез-тез учраб турадиган имкониятларнинг тенг эмаслиги, масалан, уларнинг молиявий ресурслари, ахборот ва эксперт билимларидан фойдаланиш нуқтаи назаридан имкониятлари тенг эмаслиги натижасида пайдо бўлади ёки заифлашади. Бундан ташқари, ночорлик ёки яқкалаб қўйиш катта хавфига дуч келадиган аҳолининг гуруҳлари ёки тоифаларидаги алоҳида шахслар фаол камситиш ёки суд механизмлари ишини ташкил этишнинг атайлаб қилинмаган оқибатлари натижасида ўзлари ушбу механизмлардан фойдаланиш имконияти ва улар томонидан ҳимоя қилиниш маъносида қўшимча маданий, ижтимоий, моддий ва молиявий тўсиқларга дуч келади. Аҳолининг бундай гуруҳлари ва тоифаларининг ҳуқуқлари ва аниқ эҳтиёжларига, ҳуқуқий ҳимоя жараёнининг фойдаланиш имконияти, суд суриштируви ҳамда якуний қарор чиқаришга тааллуқли ҳар бир босқичида алоҳида эътибор берилиши лозим.

ДАВЛАТНИНГ ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ СУДГА АЛОҚАДОР БЎЛМАГАН МЕХАНИЗМЛАРИ

- 27. Давлатлар шикоятларни кўриб чиқишнинг суд механизмлари билан бир қаторда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларида давлат ҳуқуқий ҳимоя умумий тизимининг бир қисми бўлган судга алоқадор бўлмаган механизмларнинг самарадорлигини таъминлашлари лозим.**

Изоҳ:

Суд механизмларини тўлдириш ва кенгайтириш нуқтаи назаридан маъмурий, қонунчилик ва бошқа судга алоқадор бўлмаган механизмлар ниҳоятда муҳим роль ўйнайди. Ҳатто суд тизимлари самарали бўлган ва ресурслар билан яхши таъминланган жойларда ҳам улар эҳтимол тутилган барча бузилишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳамма юкни ўз зиммаларига ололмайди; ҳимоянинг суд воситалари барча ҳолатларда ҳам талаб этилмайди; бундан ташқари, даъвогарлар ҳаммиша ҳам уларни афзал кўрмайди. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилган ҳолатда ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этишдаги етишмовчилик, зарурат бўлса, мавжуд судга алоқадор бўлмаган механизмларнинг мандатларини кенгайтириш ва/ёки янги механизмларни яратиш йўли билан бартараф этилиши мумкин. Бундай механизмлар воситачиликка асосланган, ҳакамлик суди шаклига эга бўлиши ёки маданият ва жараёнларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш тамойилларига мос тушиши нуқтаи назаридан ёхуд тегишли масалаларни, оммавий қизиқиш пайдо бўлишини ва томонларнинг эҳтимол тутилган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда қайсидир шаклда ушбу ёндашувларни мужассамлаштириши мумкин. Бу механизмларнинг самарадорлигини оширишни таъминлаш учун улар 31-тамойилда баён этилган мезонларга жавоб бериши керак.

Шу муносабат билан миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасалари алоҳида роль ўйнаши керак.

Давлатлар суд механизмлари билан бўлган ҳолатлардаги каби тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари юзасидан даъво аризаларни кўриб чиқиш жараёнида ҳам иштирок этаётган томонларнинг ҳар қандай тенгсизлигини ҳамда ночорлик ёки яккалаб қўйишнинг катта хавфига дучор бўлган аҳоли гуруҳлари ёки тоифаларидаги алоҳида шахслар фойдаланиш имконияти йўлида дуч келадиган ҳар қандай қўшимча тўсиқларни бартараф этиш воситаларини ўрганиб чиқишлари лозим.

ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ НОДАВЛАТ МЕХАНИЗМЛАРИ

28. Давлатлар тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш

билан шуғулланадиган шикоятларни кўриб чиқишнинг самарали нодавлат механизмларидан фойдаланишга кўмаклашиш имкониятини кўриб чиқишлари лозим.

Изоҳ:

Шикоятларни кўриб чиқиш нодавлат механизмлари турларидан бири корхоналар томонидан мустақил равишда ёки манфаатдор томонлар, тармоқ корхоналарини бирлаштирадиган ассоциациялар, ёхуд турли манфаатдор томонларнинг гуруҳлари билан ҳамкорликда ташкил этадиган механизмлар ҳисобланади. Ушбу механизмлар судга алоқадор бўлмаган хусусиятга эга, лекин ҳакамлик суди шаклини олиши, мулоқотга асосланган ёндашувга амал қилиши ёхуд маданият нуқтаи назаридан мақбул ва инсон ҳуқуқлари жараёнларига мос тушадиган бўлиши мумкин. Ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имконияти ва бу имкониятни тақдим этишдаги тезкорлик, чиқимларнинг камлиги ва/ёки трансмиллий қамраб олиш бундай механизмларнинг алоҳида афзалликларидир.

Бундай механизмларнинг бошқа бир тури — кўпинча давлатнинг инсон ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича ўз мажбуриятларини тахмин қилинган бузиши билан шуғулланадиган минтақавий ва халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларидир. Шу билан бирга уларнинг айримлари давлатнинг инсон ҳуқуқларини корхоналар томонидан бузишдан ҳимоя қилиш бўйича ўз мажбуриятларига риоя қилмасликлари билан ҳам шуғулланади.

Давлатлар ана шундай имкониятлар тўғрисидаги хабардорликни оширишда ижобий роль ўйнаши ёки бошқа воситалар билан давлатнинг ўзи томонидан тақдим этилган механизмлар билан бир қаторда ана шундай имкониятлардан фойдаланишга кўмаклашишлари мумкин.

- 29. Шикоятларни тезкор кўриб чиқиш ва зарарни тўғридан-тўғри қоплаш мақсадларида корхоналар ноқулай таъсир жабрдийдалари бўлиши мумкин алоҳида шахслар ва жамоалар манфаатларини кўзлаб шикоятларни оператив даражада кўриб чиқишнинг самарали механизмларини таъсис этишлари ва уларнинг ишида иштирок этишлари мумкин.**

Изоҳ:

Корхоналар томонидан ноқулай таъсирдан жабрланиши мумкин бўлган алоҳида шахслар ва жамоалар шикоятларни оператив даражада кўриб чиқиш механизмларидан бевосита фойдаланиш имкониятига эгалар. Улар, қоида бўйича, корхоналар томонидан мустақил равишда ёки бошқа томонлар, шу жумладан манфаатдор томонлар билан ҳамкорликда бошқарилади. Бундан ташқари, ўзаро мақбул ташқи экспертга ёки органга мурожаат қилингандан кейин улардан фойдаланиш имконияти тақдим этилиши мумкин. Бу механизмлардан фойдаланиш учун шикоят билан мурожаат қиладиган шахснинг аввал ҳимоянинг бошқа воситаларидан фойдаланиб кўриш талаб қилинмайди. Ушбу механизмлар тегишли масалаларни баҳолашни ўтказиш ва ҳар қандай зарарни қоплаш учун бевосита корхонага мурожаат қилиши мумкин.

Оператив даражада шикоятларни кўриб чиқиш механизмлари корхонанинг инсон ҳуқуқларига риоя этиш учун масъулиятига тааллуқли икки асосий функцияни бажаради:

- биринчидан, улар корхонанинг инсон ҳуқуқлари тўғрисида тегишлича ғамхўрлик кўрсатиш бўйича жорий фаолияти доирасида инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсир ҳолатларини аниқлашни таъминлайдилар. Шу мақсадда улар корхона фаолиятининг бевосита таъсирини ўзида ҳис қилаётган томонларга улар ўзларига ноқулай таъсир кўрсатилаётган ёки кўрсатилади деб ҳисоблайдиган ҳолатларда ўз хавотирларини баён қилиш имкониятини тақдим этадилар;
- иккинчидан, ушбу механизмлар шикоятлар моҳияти аниқлангандан сўнг бундан бевосита корхонанинг ўзи томонидан илк босқичда кўриб чиқиш ва ноқулай таъсир етказган зарарни қоплаш ҳамда бу билан етказилган зарарни ва ортиб бораётган шикоятлар оқимини абгорлаштиришга йўл қўймаслик имкониятини беради.

Бундай механизмлар учун эътироз ёки шикоят инсон ҳуқуқларининг тахмин қилинган бузилишига билдирилиши талаб қилинмайди, уларнинг асосий мақсади — ноқулай таъсирга дучор бўлишлари мумкин бўлган томонларнинг ҳар қандай қонуний хавотирларни аниқлашдир. Агар бундай хавотирлар аниқланмаса ва бартараф этилмаса, вақт ўтиши билан

улар жиддий можаролар ва инсон ҳуқуқларининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Оператив даражада шикоятларни кўриб чиқиш механизмларининг амалий самарасини таъминлаш учун улар муайян мезонларга жавоб беришлари керак (31-тамойил). Бу мезонларга амал қилиш учун шикоятларни кўриб чиқиш механизмлари кўламлар, ресурслар, тармоқ, маданий ва бошқа ўлчамлар билан боғлиқ эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда турлича шаклларни олишлари мумкин.

Оператив даражада шикоятларни кўриб чиқиш механизмлари манфаатдор томонларнинг янада кенгроқ узаро ҳамкорлиги ва жамоавий шартномаларни тузиш жараёнларининг муҳим қўшимча жиҳати бўлиши мумкин, аммо улардан бирортасининг ўрнини боса олмайди. Ушбу механизмлардан қонуний касаба уюшмаларнинг меҳнат низоларини ҳал этишдаги ролига путур етказиш, шунингдек шикоятларни кўриб чиқишнинг суд ва судга алоқадор бўлмаган бошқа механизмлардан фойдаланиш имкониятини йўққа чиқариш мақсадларида фойдаланмаслик лозим.

30. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нормаларга риоя қилишга асосланган тармоқ, кўп томонлама ва биргаликдаги бошқа ташаббуслар шикоятларни кўриб чиқишнинг самарали механизмлари мавжуд бўлишини кузда тутиши керак.

Изоҳ:

Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ нормалар тармоқ тузилмалари, кўп томонлама ва биргаликдаги бошқа ташаббуслар томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларда, уларга ахлоқ кодексларини, фаолият самарадорлиги стандартларини, касаба уюшмалар билан трансмиллий корпорациялар ўртасидаги глобал битимларни ва шунга ўхшаш дастурий ҳужжатларни киритиш йўли билан тобора кўпроқ ифодасини топмоқда.

Бундай биргаликдаги ташаббуслар доирасида тааллуқли томонлар ёки уларнинг қонуний вакиллари, фикрларича, тегишли мажбуриятлар бажарилмай қолиши ҳолатларида ўз хавотирларини баён қила оладиган самарали механизмлар мавжуд бўлишини таъминлаши керак. Бу ташаббуслар ана шундай механизмлар яратмаса, уларнинг қонунийлиги хавф

остида қолиши мумкин. Мазкур механизмларни тегишли ташаббуслар доирасида ҳам шахсий, ҳам жамоавий тартибда шакллантириш мумкин бўларди. Ушбу механизмлар ҳисоб беришни ва инсон ҳуқуқларига ноқулай таъсир етказган зарарни қоплаш имкониятини таъминлаши керак.

ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ СУДГА АЛОҚАДОР БЎЛМАГАН МЕХАНИЗМЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ МЕЗОНЛАРИ

- 31. Шикоятларни кўриб чиқишнинг давлат суд ва судга алоқадор бўлмаган механизмлари самарадорлигини таъминлаш мақсадида қуйидагилар кафолатланиши лозим:**
- а) қонунийлик:** ушбу механизмлар мўлжалланган манфаатдор томонларнинг гуруҳларида ишонч тугдириш, бу механизмларнинг шикоятларни кўриб чиқиш жараёнининг адолатлиги нуқтаи назаридан ҳисоб бериши;
 - б) фойдаланиш имконияти:** ушбу механизмлар мўлжалланган манфаатдор томонлар барча гуруҳларининг хабардорлигини таъминлаш ва фойдаланишларига алоҳида хусусиятга эга тўсиқлар халақит бераётган томонларга тегишли ёрдамни тақдим этиш;
 - с) олдиндан кўра олиш:** ҳар бир босқич давом этишининг тахминий муддатларини кўрсатган ҳолда аниқ ва тушунарли тартибни таъминлаш, шунингдек жараён ва натижаларнинг мавжуд турларига ҳамда қарорлар ижросини назорат қилишга нисбатан аниқлик киритиш;
 - д) адолат:** жабрланган томонлар адолат, хабардорлик ва ҳурмат асосида шикоят бериш жараёнида иштирок этиш учун ахборот, маслаҳатлар ва эксперт билимлари манбаларидан оқилона фойдалана олишларини таъминлашга интилиш;
 - е) очиқлик:** шикоятни кўриб чиқиш жараёни томонларини унинг бориши тўғрисида хабардор қилиш ҳамда механизмнинг самарадорлигига ишончни мустаҳкамлаш ва тегишли оммавий қизиқишни қондиришни таъминлаш мақсадида механизм самарасидан етарлича ахборот тақдим этиш;

- f) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нормаларга мувофиқлик: якуний қарорлар ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг халқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқларига мослигини таъминлаш;
- g) узлуксиз таълим манбаи: механизмни такомиллаштириш учун зарур сабоқларни аниқлаш ҳамда келажакда шикоятларнинг ва зарар етказишларнинг олдини олиш мақсадида тегишли чораларни таҳлил этиш;

оператив даражадаги механизмлар:

- h) ўзаро ҳамкорликка ва мулоқотга асосланган бўлиши керак: ушбу механизмлар мўлжалланган манфаатдор томонлар гуруҳлари билан бу механизмларни шакллантириш ва уларнинг самарали амал қилиши масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш, шунингдек мулоқотга шикоятларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш воситаси сифатида эътибор қаратиш.

Изоҳ:

Шикоятларни кўриб чиқиш механизми фақат у мўлжалланган шахслар буни билган, унга ишонган ва ундан фойдалана олган ҳолатдагина ўз мақсадига жавоб бера олади. Ушбу мезонлар судга алоқадор бўлмаган механизм амалиётда самарали ишлашини таъминлаш учун уни яратиш, қайта кўриб чиқиш ёки баҳолашга назорат ўлчамларини тақдим этади. Шикоятларни кўриб чиқишнинг ёмон яратилган ёки ёмон ишлайдиган механизмлари тааллуқли томонларда ўзларининг ожизлигини ва ўзларига нисбатан ҳурматсизликни кучли ҳис этириб, уларнинг қоникмасликларини янада абгорлаштиришлари мумкин.

Юқорида қайд қилинган мезонларнинг дастлабки еттитаси ҳар қандай давлат ва нодавлат ҳакамлик механизмига ёки мулоқотга асосланган механизмларга нисбатан қўллана олади. Саккизинчи мезон оператив даражадаги механизмга хос бўлиб, уларнинг амал этишига корхона кўмаклашади.

Мазкур ҳужжатдаги “шикоятларни кўриб чиқиш механизми” атамаси техникавий-ҳуқуқий маънода қўлланилади. Бу атаманинг ўзини аниқ бир механизмга нисбатан қўллаш ҳамisha ҳам тўғри ва ўринли бўлмаслиги

мумкин, аммо самарадорлик мезонлари барча ҳолатларда ўзгармасдан қолади. Аниқ мезонларга нисбатан шарҳлар қуйидагилардан иборат:

- a) механизм мўлжалланган манфаатдор томонлар ундан фойдаланишга қарор қилган бўлсалар, унга ишонишлари керак. Шикоятни кўриб чиқиш томонларининг буни адолатли ўтказишга аралаша олмасликларини таъминлаш манфаатдор томонларнинг ишончини мустаҳкамлайдиган энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади;
- b) механизм тўғрисида етарлича хабардорликка эга бўлмаслик, тил, саводхонлик даражасининг пастлиги, харажатлар ҳажми, манзил ёки қатагонга дучор бўлиш ундан фойдаланиш имкониятига тўсиқ бўлиши мумкин;
- c) механизмга ишончни ва унга талабгорликни таъминлаш учун у таклиф этадиган тартиблар тўғрисидаги оммабоп ахборотни тарқатиш лозим. Имконият борица, ҳар бир босқич учун ажратилган муддатга риоя этиш лозим, бунда баъзи ҳолатларда қайишқоқлик кўрсатиш талаб қилиниши мумкин;
- d) корхоналар ва тааллуқли томонлар ўртасида шикоятлар ва низолар мавжуд бўлганида тааллуқли томонлар ахборотдан ёки эксперт ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари анча камроқ бўлади ва кўпинча ушбу харажатларга ҳақ тўлаш учун молиявий ресурсларга эга бўлмайдилар. Бундай тенгсизлик бартараф этилмайдиган ҳолатларда адолатли жараёни ўтказиш ва буни шундай тасаввур этиш имконияти камаяди, шунингдек барқарор қарорларни излаб топиш мураккаб-лашади;
- e) шахсий шикоятларни кўриб чиқишнинг бориши тўғрисидаги масала бўйича томонлар билан мунтазам ахборот айрибошлаш жараёнга ишончини мустаҳкамлаш учун жиддий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Статистика маълумотлари, тўпланган тажриба мисолларини ва айрим ҳолатларнинг кўриб чиқилиши тўғрисида батафсилроқ ахборотни тарқатиш йўли билан иложи борица кўпроқ манфаатдор томонларни хабардор қилишда

намоён буладиган механизм самарадорлиги масалаларидаги очиклик унинг қонунийлигини тасдиқлаш ва унга кенг ишончни сақлаб туриш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин;

- f) кўпинча шикоятлар ҳуқуқни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан таърифланмайди ва уларнинг кўпчилигида даставвал инсон ҳуқуқлари масаласи тилга олинмайди. Куриб чиқиш якунлари инсон ҳуқуқлари учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларда, бундан қатъи назар, улар халқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқлари йўналишида қабул қилинишини таъминлаш лозим;
- g) шикоятлар даврийлигини, хусусиятини ва сабабларини мунтазам таҳлил қилиш келажакда зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида механизмни бошқарадиган муассасага ўзгартирилиши зарур бўлган дастурлар, тартиблар ёки амалиётни аниқлаш ва уларга тузатиш киритиш имкониятини беради;
- h) оператив даражада шикоятларни кўриб чиқиш механизмини яратиш ва унинг фаолияти самарадорлиги масалаларидан манфаатдор томонларнинг гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорлик ушбу гуруҳлар эҳтиёжларини қондиришга, мазкур гуруҳларнинг механизмни амалиётда қўллашларига ва унинг муваффақиятли ишлашидан умумий манфаатдорликнинг пайдо бўлишига кўмаклашиши мумкин.

Корхона қонуний тарзда бир йўла шикоятларнинг объекти ва уларни кўриб чиқиш бўйича бир томонлама қарор қабул қилиши мумкин эмаслиги учун ушбу механизмларнинг асосий вазифаси мулоқот орқали келишилган қарорларга эришишдан иборат бўлиши керак. Агар ҳакамлик судининг қарори керак бўлса, бундай қарор мустақил ҳакамлик суди томонидан қонуний асосда қабул қилиниши лозим.

Муҳаррир: У. Раджабова

Нашриёт лицензияси AI № 263 от 31.12.2014

Босишга рухсат этилди 13.04.2016 й.

Бичими 60×90 1/16.

«Myriad Pro» гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди.

Босма табоғи 3,25. Нашр табоғи 4,22.

Адади 1000 нусха

«BAKTRIA PRESS» МЧЖ Нашриёт уйи

100000, Ташкент, Буюк Ипак Йули мавзеси, 15–25

тел.: +998 (71) 233-23-84

"Mega Basim" босмахонасида чоп этилди

ISBN 978-9943-4567-4-7



ISBN: 978-9943-4567-4-7



9 789943 456747